Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 4 май
ЧОРШАНБА
№ 104 (4.297).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари

ЯЙЛОВЛАРНИ ЯШНАТИБ

Ун иккинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ўтказилган социалистик мусобақа якунларига кўра «Ҳурмат белгиси» ордени республика яйлов-мелиорация қурилиш бирлашмаси ғолиб деб топилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ҳамда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди. Коллективнинг 1987 йилдаги фидокорона меҳнати шундай юксак тақдирланди.

Бирлашма республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилувчи кекса, йирик қурилиш ташкилотларидан биридир. У 1945 йил 12 июнда Ўзбекистонда қўйчиликни, хусусан муҳим тармоқ ҳисобланган қоракўлчиликни тараққий эттириш мақсадида ташкил этилган. Дастлабки пайтда трест деб аталарди, 1972 йилдан эса унинг таркибига «Ўзгипросельхозводснабжение» лойиҳа-қидирув институти қўшилгач, бирлашмага айлантирилди. Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар бугунги қайта қуриш талаблари асосида меҳнат қилиб, дуруст натижаларга эришмоқдалар. Бирлашма бошлиғи М. М. МАҲМАНОВ билан яйловларга сув чиқариш, уларни маданийлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, дуч келинаётган қийинчиликлар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар хусусида суҳбатлашдик.

— Мусурмон Маҳманович, энг аввало бирлашманинг иш ҳажми, унинг хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталсангиз.

— Бўлинмаларимизда уч ярим мингдан зиёд қурувчи, монтажчи, инженер-техник ва бошқа касб эгалари меҳнат қилишади. Сув таъминоти иншоотларини барпо этамиз, яйловларга оби ҳаёт чиқаришга, уларнинг маданийлаштирилишига ҳисса қўшамиз, артезиан қудуқлар қазиб, ускуналаб, вақти-вақти билан капитал ремонт қилиб берамиз, хўжаликлараро водоводларни ётқизамиз. Барча қурилиш-монтаж ишларини ўз кучимиз билан адо этамиз. Созлаш, синаб кўриш ва махсус юмушлар ҳам шу қаторга киради. Демак, ҳамма жараёнлар учун ўзимиз жавоб берамиз. 1987 йил жами 43,7 миллион сўмлик иш адо этилди. Бўлинмаларимизни темир-бетон конструкциялар билан таъминлашни йўлга қўйганмиз.

— Кабинетингиздаги Ўзбекистон ССРнинг қишлоқ хўжалиги ва ирригация-мелиорациясига дахлдор харитада кўп жойларга қизил байроқчалар алоҳида белги сифатида қўйилган. Уларни республиканинг деярли барча бурчакларида кўриш мумкин. Шу жойларда бирлашмага қарашли ташкилотлар иш олиб бораётганликларини англаб олиш қийин эмас. Қайси регионларда қурилиш кенг кўламда кетаяпти?

— Партия ва ҳукуматимизнинг жамоат чорвачилиги маҳсулдорлигини ошириш тўғрисидаги қарорлари бирлашамиз фаолиятига бевосита дахлдор. Чунки қўйчиликни ривожлантириш энг аввало озуқа базасига, яйловларнинг серўт бўлишига, улар маданийлаштирилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Қизилқум, Устюрт кенгликларини, Қашқадарё областидаги бепоён яйловларни, республика жанубининг тоғолди зонасини янада яшнатиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Чорва ичиши учун сув чиқариш, унинг узлуксизлигини таъминлаш ҳам асосий вазифаларимиздан бири. 500—700 метр чуқурликдаги қудуқлар қазилиб, оби ҳаёт чиқарилаётганлиги бу борада алоҳида аҳамият касб этаяпти.

— Иш миқёслари ҳақида тасаввур берувчи баъзи рақамларни тилга олсангиз.

— Ўтган қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида 19,5 миллион гектар яйлов сув билан таъминланди, 9.212 та турли қудуқлар қазилиб, зарур ускуналар билан жиҳозланди. 1.150 жойда чорвани суғориш пунктлари барпо этилди. Уларнинг анча қисми Навоий области ва Қорақалпоғистон автоном республикасидаги яйловларда. Бу борадаги ишлар ҳозир ҳам кенг кўламда олиб борилаяпти. Бирлашмамизга тушаётган буюртмалар кўп.

— Сиз тилга олган рақамлар кишини қувонтиради. Айни пайтда очиқ айтиш керакки, сергакларториб, мулоҳаза юритишга ундайди. Ерости сувларидан кўп миқдорда фойдаланиш уларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмайдими, атроф муҳитнинг экологик ва санитария ҳолатига зиён етказмайдими?

— Бирон-бир хавфнинг олдини олиш, бунинг учун зарур чоралар кўриш кейинги пайтда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу бирлашмамиз бўлинмаларига ҳам бевосита тааллуқли. Ерости сувлари умуман тугамайди, чунки уларга мунтазам равишда қўшилиб туради. Зотан, сув доимо ҳаракатда, табиатнинг қонуний мувозанати сақланади. Саволингизнинг иккинчи қисми ҳақида шуни айтиш керакки, бу борада хавотирланиш учун асос бор. Маълумки, биз «Узбекгидрогеология» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланган ҳужжатларга таянган ҳолда қудуқлар қазиймиз, уларни ускуналаймиз. Геолог олимлар ва мутахассислар ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиб иш тутадилар. Саҳро зоналарда 6—8 минг гектар майдонда, тоғолди ва тоғли зоналарда эса 1,8—3 минг гектар ерда битта қудуқ қазиш ҳар томонлама мақбул эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Беш йилда бир марта яйловлар ва улардаги сув иншоотлари кўздан кечирилиб, ҳисоб-китобдан ўтказилади. Бирлашмамиз таркибида шу иш билан шуғулланадиган бўлинма мавжуд. У қурилган барча қудуқларнинг техникавий ҳолати ҳақида тўла маълумотларга эга. Кейинги йилларда қоракўлчилик хўжаликларида суви табиий равишда оқиб чиқувчи, фойдаланувчилар томонидан қаровсиз ташлаб қўйилган юзлаб қудуқлар борлиги аниқланди. Шундай хўжасизлик оқибатида қанча-қанча яйловлар ботқоқ ҳолга келиб қолган. Бундай жойлар айниқса Навоий областида кўп.

Камчилик ва нуқсонларни аниқлаш билан бирга уларни бартараф этиш йўллари ҳақида ҳам ўйлаш зарур. Юқорида таъкидланган муаммо Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети аралашувидан кейингина ҳал этила бошлади. Ўтган йилдан бирлашмамиз зиммасига сув иншоотларини ремонт қилиш ва қайта тиклаш вазифаси ҳам юкланди. 1987 йилнинг ўзида бўлинмаларимиз суви табиий равишда оқиб чиқувчи 368 та қудуқни қайта тиклаб, уларни бошқаришни йўлга қўйдилар. Бу йўналишдаги иш ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Шу ўринда қоракўлчилик совхозлари, РАПОларнинг раҳбарлари табиат мувозанати бузилмаслиги учун бундан буён назоратни кучайтиришлари, яйловлар ботқоқ ҳолга келишида айбдор кишиларга нисбатан қатъий чоралар кўриш зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Табиийки, қурилишларнинг тарқоқлиги, бир-биридан юзлаб, ҳатто минг километр узоқликда жойлашганлиги қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқаради, айниқса транспорт, техника хизмат кўрсатишда мушкулликлар туғдиради. Уларни енгиб ўтиш учун қандай тадбирлар кўраяпсизлар?

— Дарҳақиқат, бўлинмаларимиз қийин шароитларда иш олиб боришаяпти. Тўсиқларни бартараф этиш учун энг аввало алоқа хизмати йўлга қўйилиши зарур. Шу мақсадда радиостанциялар орқали узоқдаги бўлинмалар, қурилишлар билан ишончли алоқа ўрнатилган. Бу кўнгиллаб бўлган масалаларни тез ва изчил ҳал этиш имконини бермоқда.

Олис саҳро яйловларида қудуқ қазувчи ва ускуналовчи бригадаларда меҳнатни ташкил этишда вахта методи жуда қўл келаяпти. Коллективлар бирон-бир қурилишда ишга киришгач, уч сменада меҳнат қилиб, қудуқни қазиш ва ускуналашни ниҳоясига етказгунларига қадар вахтани давом эттирадилар. Бухородаги бошқармамизнинг А. Азимов, Ф. Залилов, Қорақалпоғистондаги ташкилотимизнинг Б Мадрасулов, Р. Нодиров, Сурхондарё бўлинмасининг Р. Мирзаев бошлиқ бригадалари ва бошқа кўпгина коллективлар шу усулда меҳнат қилиб, қувончли натижаларга эришмоқдалар. Жумладан Ф. Залилов бригадаси 1—Б15 бурғилаш қурилмаси ва бошқа механизация воситаларидан самарали фойдаланиб, ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган даврида бир миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини адо этди. Бу аҳил коллектив ҳозир «Жонгелди» совхозида қудуқ қазимоқда. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига ўзаро беллашувни тобора қизитаётган йигирма уч бригада бугунги кунда 1988 йилнинг август-сентябрь ойлари ҳисобига ишлаяпти. Ўтган йил якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлишимизда кўпгина бўлинмалар коллектив пудрат усулида ишлаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бирлашма бўйича планга қўшимча 985 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, жами 15 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Меҳнат унумдорлиги планда кўрсатилганидан 3,4 процент юқори бўлди. Ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик маоши 1986 йилдагидан 15 сўм кўп, яъни 261 сўмни ташкил этди. Бу қувончли техник-иқтисодий кўрсаткичлар энг аввало олинаётган фойдада намоён бўлаяпти. Ўтган йили бирлашмамиз уч миллион сўмдан ортиқ фойда кўрди. Демак хўжалик юритишнинг янги усули — ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш учун мустаҳкам замин қўйилди.

— Халқимиз: «Тоққа чиққан чўққини кўзлар», — дейди. Яъни ҳар бир коллектив муваффақиятларни тобора мустаҳкамлашга интилади. Бирлашма ўз ютуқларини янада кўпайтириши учун қандай муаммолар ҳал этилиши керак?

— Республика Агросаноат давлат комитети тузилиши жараёнида лойиҳа-қидирув институти бирлашмамиз таркибидан чиқариб ташланди. Нега шундай қилинганлиги ишончли тарзда асослаб берилмади. Бирлашма мутахассисларининг бу масала хусусидаги фикр-мулоҳазалари инобатга олинмади. Ваҳоланки, институт асосан ташкилотимиз бўлинмаларига хизмат қилади. Ягона вазифани бажарувчи бирлашма ва институтнинг тарқоқ ҳолда фаолият юритаётганлиги умумий ишга салбий таъсир этаяпти, албатта.

Меҳнат унудорлигини ошириш, молиявий аҳволни яхшилаш билан боғлиқ қатор муаммолар ҳам бор. Жумладан оғир юк кўтарувчи автокранлар етишмаётганлиги кўп қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Шунингдек бажарилган ишлар учун совхоз, колхоз ва бошқа ташкилотлар тўламаган маблағлар хўжалик юритишда мушкулликлар туғдираяпти. Ҳозирги пайтда уларнинг бирлашмамиздан қарзи 13 миллион сўмдан ортиқ. Бундан буён барча корхона ва ташкилотлар тўла хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтади. Шундай шароитларда молиявий аҳволни янада яхшилаш талаб қилинади. Қайта қуриш хўжалик юритиш механизмини иқтисодий негизга ўтказаётганлиги ҳам шуни тақозо этади.

ШАРҲ ЎРНИДА: республика яйлов-мелиорация қурилиш бирлашмасининг кўпминг кишилик коллективи Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилаяпти. Партия анжумани очиладиган кунгача ярим йиллик планни бажариш, уч йиллик топшириқни эса муддатидан ярим ой илгари адо этиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бирлашма ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари амалдаги йилнинг тўрт ойлик планини асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар.

Суҳбатни И. АХМЕТОВ олиб борди.

Озод Акбаров қатор йиллардан буён Ғалаба районидаги Калинин номли совхозда шоличилик бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. У бултур шолидан баракали ҳосил олганлиги учун СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Москвич» автомашинаси билан тақдирланди. Моҳир шоликорнинг ўғли Рустам ҳарбий хизматдан қайтгач, ҳеч иккиланмай отасининг ёнидан жой олди.

Бу йил совхоз қирмизи дон бунёдкорлари 2,160 гектар майдонда шоли ўстиришга бел боғлашган. Ҳосилдорлик 70 центнерга етказилиши керак. Айни кунларда уруғ сепиш қизғин тус олган.

СУРАТДА: Ота-бола Акбаровлар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН

Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхознинг Эрбой Жўраев бошлиқ бригадасида ўтган йили картошка тайёрлаш плани аранг бажарилди. Сабаби шуки, пайкалларни колорада қўнғизи босиб, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди. Жорий йилда меҳнат аҳли гектар ҳисобига 170 центнердан картошка етиштириш мажбуриятини оларкан, уруғликни танлаш ва сақлашга алоҳида эътибор берди. Ерни экишга тайёрлаш ҳамда уруғ қадашда агротехника қоидаларига қатъий амал қилди. Хусусан жами майдон кузда икки ярусли плугда чуқур ҳайдалди, шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 17—18 тоннадан гўғ солинди, уруғ эса махсус дорилангандан сўнг экилди. Бунинг самараси кўзга яққол ташланмоқда: ниҳоллар баравж ўсаяпти.

— Сара уруғ — ҳосил бўлиқ, — деди бригада саркори Эрбой Жўраев ям-яшил карталарни ҳавас билан бизга кўрсатиб, — бу ёғи энди ғайратимизга боғлиқ. Кўрасиз, бўш келмаймиз. Мўлжалдаги хирмон албатта уюлади.

Бригадирга ишонса бўлади. Негаки картошкадан ташқари 3 гектар майдонда сабзи, 2 гектарда кузги пиёз, 5 гектарда помидор кунда бир яшнамоқда, бир гектардаги эртаги карам ҳосил тугаяпти, бодринг эса гулга кирди.

М. ҚАЮМОВ.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Олимжон Одилов Тошкент районидаги Навоий номли колхозда ўттиз йил ҳалол ишлаб, колхозчилар ўртасида обрў-эътибор қозонган эди. Шу боисдан ўтган йили правление унинг номзодини сурунқасига бир неча йилдан буён давлат планини бажармай келаётган 2-бригада бошлиқлигига кўрсатганда аъзолар бир овоздан қўллабқувватлашди. Олимжон айрим кишиларга ўхшаб ўз меҳнатини тарозига солмади, эпломмайман деб камтарлик ҳам қилмади. Ўша куниёқ енг шимариб дала бошига чиқди. Ишни одамлар билан танишиш, ер шароитини ўрганишдан бошлади.

Карталар насос ёрдамида суғорилар, техника эса кўпинча панд берарди. У устахонадагилар билан гаплашиб, барисини сифатли ремонтдан чиқарди. Ер ойлавий звеноларга ишчи кучи ва эҳтиёжга қараб тақсимланди. Кўчатни бригаданинг ўзида, плёнкали майдонда етиштириш йўлга қўйилди. Парваришда фан ютуқлари, илғорлар тажрибаси кенг қўлланилди, ички имконият ва резервлар ишга солинди. Бу тадбирларнинг самараси кузда кўзга яққол ташланди: эл дастурхонига 76 тонна картошка, 204 тонна ўрнига 247 тонна помидор, 282 тонна ёки белгиланганидан 30 тонна кўп карам тортиқ қилинди.

— Биз бу ютуққа аввало меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усули, яъни пудрат шарофати туфайли эришдик, — дейди бригада саркори Олимжон Одилов. —Бу йил ҳам 24 оила синалган усулда ғайрат кўрсатмоқда. Ҳамманинг нияти битта: Озиқ-овқат программаси ижросига қўшиладиган ҳиссани кўпайтириш.

Ҳозирги кунда жами экин меҳр билан парвариш қилинаяпти. Дастлабки ҳосил — саримсоқ, редиска ва карам савдо шохобчаларида сотилмоқда. 18 гектар майдондаги помидор ниҳоллари эса барқ уриб ўсмоқда.

З. ИЎЛДОШЕВ.

ДЕҲҚОНЧИЛИК АХБОРОТИ

ФАРҒОНА РАЙОНИ

Ленин номли колхоз аҳли Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақани қизитиб ишламоқда. Пахтакорлар 1.470 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришга қарор қилишган. Айни кезларда ёш ниҳолларга дастлабки ишлов берилмоқда. 27 та культиватор юксак унумли ишлатиляпти. Бу муҳим иш Уммат Кўчиев, Ўлмасхон Қамбарова, Исмонл Турсунқулов, Абдухалил Ниҳонов бошлиқ бригадаларда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Иброҳим Қодиров, Собир Яҳёев, Турдиали Қурбонов, Сайрамали Юрсунов каби механизаторларнинг ҳар бири кунига 5—6 гектарни қўлдан чиқараяпти.

А. ТУХТАСИНОВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ОРЖОНИКИДЗЕ

«Коммунист» колхози деҳқонлари бу йил эл дастурхонига 4.800 тонна сабзавот, 420 тонна мева, 380 тонна узум ҳадя этишни кўзлашган. Шу кунларда экинлар парвариши агротехника қоидалари асосида ташкил қилинган. Помидор, сабзи, пиёз, ош лавлаги, карам ниҳоллари меъёрида озиқлантирилиб, қатор оралари юмшатилаяпти. Дала ишлари Асрор Юнусов, Шуҳрат Эгамбердиев, Раҳмат Маҳамадалиев, Абдулҳай Мақсумов бошлиқ бригадаларда намунали бажарилмоқда.

Э. ТУЛАГАНОВ.

ҚУВАСОЙ

Охунбобоев номли 18-ўрта мактаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари «Шарқ юлдузи» совхозидан 16 гектар ер олиб, ярмида лавлаги, қолганида маккажўхори ўстираяптилар. Улар 280 тонна ўрнига 450 тонна лавлаги, 200 тонна ўрнига 400 тонна каҳрабо дон етиштиришга бел боғлашган. Шунингдек 10 гектар боғ ҳам парвариш қилинаётир. Юлдуз Мирзахўжаева, Нодира Сиддиқова, Нозим Умаралиев, Ҳамид Салоҳиддинов кабилар ишда барчага ўрнак бўлишмоқда.

Р. УМРЗОҚОВ.

ЎРТА ЧИРЧИҚ

«Ҳар гектар ердан 30 центнердан оқ олтин етиштирамиз!» — Ленин номли колхоз аъзолари шундай мажбурият қабул қилишган. 807 гектар майдонга чигит обитобида қадалганди, айни пайтда тўлиқ гектарлар яратилмоқда. Уруғ қийғос униб чиққан пайкалларда парвариш бошланди. Узаро мусобақада Мирза Раҳматов, Тўйчибой Эргашев, Серикбой Саримсоқов бошлиқ бригадалар, Бахтиёр Кенжаев, Иброҳим Аширматов, Ўринбой Мусақулов сингари механизаторлар пешқадам.

У. МУҲАМЕДОВ.

НИШОН

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳкам Ҳазратқулова бошлиқ бригада далаларини бир текис яшил ниҳоллар қоплади. Карл Маркс номли совхоздаги бу коллектив чигит экишни ҳаммадан аввал тугатганди, парваришни биринчи бўлиб бошлади. Моҳир механизатор Рўзибой Эшонқулов культиватори билан кунига 5 гектар майдондаги ғўзаларга ишлов бераяпти. Бригада заршунослари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган.

Х. НАЗАРОВ.

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН СЕМИНАРИ

3 май куни Тошкентда «Хотин-қизлар ва меҳнат» мавзуида Совет — Ҳиндистон семинари иш бошлади.

Семинарда икки мамлакат олимлари, социологлари, хотин-қизлар ҳаракатининг активлари қатнашмоқда.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Х. А. Алимова семинарни очди.

Семинарни очиш маросимида Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи Ражастан штати туризм ва хотин-қизлар фаровонлиги давлат министри Г. Вьяс меҳмонлар номидан сўзга чиқди.

Ҳозир дунёда хотин-қизларнинг роли катта, деб таъкидланди семинарда. Ҳиндистонда ҳам, СССРда ҳам хотин-қизлар вакиллари сиёсатда, экономикада, фан ва маданиятда муҳим роль ўйнамоқдалар. Хотин-қизлар ҳаракати халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ишончни мустаҳкамловчи муҳим омилдир.

Семинарнинг очилиш маросимида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули вазифасини ижро этувчи Р. Кулшрештха қатнашдилар.

Семинар қатнашчилари хотин-қизларнинг аҳволи, уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги роли билан боғлиқ муаммоларни уч кун мобайнида муҳокама қиладилар. Улар қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг меҳмонлари бўладилар, даволаш муассасаларини бориб кўрадилар.

(ЎзТАГ).

ҚАНИЙДИ ҲАР КИМ ШУНДАЙ ИШЛАСА

Валерий Феликсович Мезен — ишбилармон ва ўта қизиқувчан инсон. У қандай ишга қўл урмасин, охирига етказмасдан қўймайди. Зомин районидаги «Ғалаба» совхозида кимнинг радиоприёмниги, кир ювиш машинаси бузилгудек бўлса, ундан ёрдам сўрайди, маслаҳат олади.

Бироз қизиққон, айни чоғда жуда меҳрибон ва куюнчак бу инсоннинг тақдири ҳам ғалати. Совхоз директори уни иш юритиш бўйича ўнг қўли ва техника профессори деб билади. Аслида эса фермада механизаторларга бригадирлик қилади.

Шудгорлаш бўйича ўтказилган район мусобақаларида ўз маҳоратини намойиш этиб, ажойиб натижаларга эришди. Ўтган йил кузида Валерий 200 гектар ерни шудгорлади, тажриба ўрганиш учун қўшни совхозлардан ҳам механизаторлар ташриф буюришди, РАПО эса бутун бир делегация олиб келди.

— Бу айтарли мураккаб иш эмас, — дейди у. — Ҳар бир далага мослашиш, плугни ростлаш зарур. Ана шунда иш юришиб кетади.

Бу йилги ем-хашак тайёрлаш мавсумида у яна комбайн штурвалига ўтиради, маккажўхори ўриб-йиғади ва дон янчади. Ўтган йили Валерий Феликсович уч минг тонна силос тайёрлади. Эртадан то кечгача тер тўкди. Меҳнатлари зое кетмади; ферма қишловдан беталафот чиқди. Икки йиллик план миқдорида хашак тайёрлашган эди-да.

Тиниб-тинчимас механизатор бедапояларни тўлдиришни назорат этибгина қолмай шўрхок ерларга ўғит солди. У пудрат асосида озуқа тайёрлаш ва ем-хашак экинларига ишлов бериш билан шуғулланувчи механизациялашган отряд тузишни таклиф қилди. Мезен камчиликни одамнинг бетига айтишга одатланган. Айни шу жиҳатини баъзилар ёқтиришмайди. Лекин Валерий Феликсович улар билан муросага бормайди, ҳақиқатни афзал билади ва охиригача жон-жаҳди билан курашади. Унинг принципиаллиги туфайли фермада кўпгина камчиликлар барҳам топди.

Масалан, сув таъминотини яхшилаш учун қанчаданқанча елиб-югуришга тўғри келди. Илгари фермага сувни идишларда ташиларди. Ахир, шу йўл билан 645 бош молни суғориб бўладими? Энди бу ерда водопровод ишлаб турибди. Автосуғоргичлар кўнгилдагидек ишламоқда. Ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан яна бири шуки, сут совитгични созлаш лозим. Ферма бундан сезиларли зарар кўраяпти. Мезен йигитлар билан биргаликда автоматикани йўлга қўйишга ҳаракат қилди, лекин керакли эҳтиёт қисм йўқлиги учун уддалай олмади. Зомин хўжалик ҳисобидаги участкаси эса бир неча бор мурожаат қилинишига қарамай садо чиқармаяпти.

Биз қайтаётганимизда Валерий Феликсович район партия комитетига боришга отланмоқда эди. У мақсадига албатта эришади, ферма юқори сифатли совутилган сут беради, деб ишонамиз.

Зарбдор тармоқ оёққа туриб олишига совхоз директори Муҳаммаджон Абдўғаниевнинг ҳам ишончи комил. У ҳар тонг фермада бўлиб, аҳволни ўрганади. Валерий Феликсович Мезен каби хўжалик манфаати йўлида фидойи кишиларга таяниб иш кўради.

О. АДИЯНОВ.

Автор фотоси.

А. А. ГРОМИКОНИНГ РУМИНИЯГА ҚИЛАДИГАН РАСМИЙ ДЎСТЛИК ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. А. Громико РКП Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушескунинг таклифига биноан шу йил май ойининг иккинчи ўн кунлигида расмий дўстлик визити билан Руминия Социалистик Республикасига боради.

Карл Маркс туғилган куннинг 170 йиллиги муносабати билан

БЕБАҲО МЕРОС

Қаҳрамон совет халқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари меҳнаткашлар оммаси ва бутун тараққийпарвар инсоният яқиндагина В. И. Ленин туғилган куннинг 118 йиллигини, сўнгра халқаро пролетариатнинг бирдамлик куни — Биринчи май байрамини зўр тантана билан намойиш қилдилар. 5 майда эса яна бир улуғ айёмни — илмий коммунизм асосчиси, гениал мутафаккир, буюк революционер Карл Маркс туғилган куннинг шонли 170 йиллигини кенг нишонлаймиз.

Карл Маркс 1818 йилнинг 5 майида Германиянинг Трир шаҳрида дунёга келди. У ёшлик чоғиданоқ ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини, истеъдоду заковатини халқаро пролетариат ва барча меҳнат кишиларининг озодлиги, уларнинг манфаатлари учун курашга бағишлади. Шу боисдан унинг ўлмас номи бутун дунё меҳнаткашлари учун азиз ва ардоқли бўлиб, озодлик, демократия, социализм — коммунизм тантанаси учун кураш байроғига айланди.

* * *

Карл Маркс бутун дунё меҳнаткашларининг гениал устози, халқаро ишчилар синфининг улуғ доҳийсидир. У ижтимоий фикр тарихида биринчи бўлиб, ўз сафдоши Ф. Энгельс билан биргаликда пролетар илмий дунёқарашини ишлаб чиқди. Маркс ва Энгельс коммунизмнинг назарий пойдеворини, Ленин ибораси билан айтганда, ижтимоий ҳаётни ўз ичига олган тарихий материализмни, дунёни илмий равишда тушунтирадиган марксистик фалсафий материализмни, тараққиёт тўғрисидаги энг мукаммал диалектикани ишлаб чиқди.

Карл Маркс илм-фаннинг буюк донишманди, чинакам қомусий билимлар хазинасининг ажойиб соҳиби эди. У табиий ва ижтимоий билимлар соҳасида кўпгина кашфиётлар қилди. Ф. Энгельс айтганидек, унинг тарихни материалистик тарзда тушуниш, капитализм ҳалокати, социализм ғалабасининг муқаррарлиги, қўшимча қиймат назарияси каби буюк кашфиётларининг ҳатто иккитаси ҳам бир кишининг умри учун кифоя қиларди.

Карл Марксниг улуғворлиги шундаки, у фан ютуқларини материалистик асосда умумлаштириб, немис классик фалсафасининг йирик вакили бўлган Гегель диалектикасини танқидий-ижодий тарзда тубдан қайта ишлаб чиқди. Бу диалектиканинг «рационал магзи»нигина олиб, идеалистик-мистик пўчоғини чиқариб ташлади ва ўз моҳияти билан янги, илмий материалистик диалектикани ишлаб чиқди.

«Менинг диалектик методим, — деган эди К. Маркс, — Гегель диалектик методидан фарқ қилибгина қолмай, балки унга бутунлай қарама-қаршидир. Гегель идея номи остида ҳатто мустақил субъектга айлантирган тафаккур процесси, унинг фикрича, воқеликнинг демиурги (яратувчиси, ижодкори)дир, воқелик эса унинг ташқи кўринишидир, ҳолос. Менинг фикримча эса, аксинча, идея кишининг миясига кўчиб, унда бошқа шаклга кирган моддийликдан бошқа нарса эмас» (К. Маркс. «Капитал», 1-том, 22-бет).

Марксча диалектиканинг афзаллиги шундаки, у ўтмишдаги тараққиётни ўрганиш ва ижтимоий ҳаёт ривожининг объектив қонунларини очиш асосида ҳозирги кундаги ҳодисаларни тўғри баҳолашга ва келажак тараққиёт йўлини олдиндан кўра олишга имкон беради. «Шу боисдан, — деди ўртоқ М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида,— **Ҳаммамиз эгаллаб олишимиз лозим бўлган янгича тафаккур — диалектик тафаккурдир, диалектика эса К. Маркс ёзганидек, «ҳеч нарсага бўйин эгмайди ҳамда ўз моҳиятига кўра танқидий ва революцион диалектикадир».**

К. Маркс билан Ф. Энгельснинг ижтимоий-фалсафий дунёқарашларининг шаклланишига немис классик фалсафасини охирига етказган Людвиг Фейербахнинг материализми ҳам самарали таъсир кўрсатди.

Улуғ доҳийларимиз эски материализмнинг, шу жумладан Фейербах материализмининг чекланганлигини, унинг идеалистик ва метафизик томонларини бартараф қилиб, янада ижодий тарзда ривожлантирдилар ва сифат жиҳатидан янги илмий материализмни яратдилар. К. Маркс фалсафий материализмни чуқурлаштириб ва ривожлантириб охирига етказди, фалсафий материализмнинг табиатни билиш усулини инсоният жамиятини билишга ҳам татбиқ этди. Бу билан фалсафада буюк сифат ўзгариши ясалди. Чунки тарихий материализмнинг яратилиши билан кишилик жамияти тарихига ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига қарашда ҳукмронлик қилиб келаётган ғайриилмий, идеалистик қарашларга қақшатқич зарба берилди.

Шу тариқа Марксниг тарихий материализми илмий тафаккурнинг буюк ютуғи бўлди, тарих ва сиёсат соҳасида (яъни ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тушуниш ва жамият тарихини ўрганишда) ғоят мукаммал ҳамда мунтазам таълимот яратилди. Бу таълимот инсоният жамияти тараққиётининг объектив қонунларини очди, капитализмдан коммунизмга ўтиш мумкин ва лозимлигини исботлади: ижтимоий ҳаётни коммунистик асосда қайта қуриш йўллари ва воситаларини белгилаб берди. Шунинг учун ҳам диалектик ва тарихий материализм коммунизмнинг назарий пойдевори, марксча-ленинча партияларнинг дунёқараши, стратегия ва тактикасининг назарий-фалсафий асосидир. Бу дунёқараш марксча-ленинча партияларнинг кураш йўлини машъалдек ёритиб, келажакнинг порлоқ истиқболларини олдиндан тўғри белгилаб бермоқда.

К. Маркс ўзининг илмий-тадқиқот ишларида асосий эътиборни капиталистик жамиятнинг иқтисодий тузумини текширишга қаратди. У товар хўжалигининг дастлабки куртакларидан, оддий йўсиндаги товар айирбошлашдан тортиб то капитализм тараққиётигача текшириб чиқди. К. Маркс назариясининг ғоят мукаммал тасдиғи ва татбиғи унинг иқтисодий таълимотидир. Бу таълимот Марксниг гениал асари «Капитал»да баён қилинди.

К. Маркс ўзидан олдинги иқтисодий назарияларни, шу жумладан инглиз классик сиёсий иқтисодчиларининг назариясини қунт билан ўрганди. Унинг ғайриилмий томонларини танқид қилиб, ижобий томонларидан ижодий-танқидий фойдаланди ва шу асосда янги, илмий сиёсий иқтисодни яратди. Буржуа иқтисодчилари назарида буюмлар ўртасидаги муносабат бўлиб кўринган нарса (товарни товарга айирбошлаш) кишилар ўртасидаги муносабат эканлигини, яъни товар ишлаб чиқарувчилар жамияти учун характерли бўлган муносабат эканлигини асослаб берди.

К. Марксниг улуғ хизмати шундаки, у инглиз классик сиёсий иқтисодининг ютуқларига таяниб, қийматнинг меҳнат назарияси изчиллик билан ижодий тарзда янада ривожлантирди, уни қўшимча қиймат назарияси даражасига етказди. У ҳар бир товарнинг қиймати мазкур товарни ишлаб чиқариш учун сарф қилинадиган ижтимоий зарур иш вақтининг миқдорига қараб белгиланишини кўрсатди.

Марксизм иқтисодий таълимотининг асоси — К. Маркс очиб берган қўшимча қиймат назариясидир. Бу назария капиталистик ишлаб чиқаришнинг асосий моҳиятини, капиталнинг тўпланиш манбаларини ва эксплуатациянинг табиатини белгилаб берди. У капиталистик жамиятда синфий зиддиятлар ва синфий курашнинг ҳақиқий сабабларини очиб берди ва бу кураш буржуа жамиятини ҳалокатга олиб келиши муқаррарлигини исботлади. Шуни назарда тутиб В. И. Ленин ўзининг «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми» деган асарида «қўшимча қиймат тўғрисидаги таълимот Маркс иқтисодий назариясининг пойдевори тошидир», деб уқтириб ўтган эди.

К. Марксниг бутун ижодий фаолияти давомида унинг энг яқин ва содиқ сафдоши Ф. Энгельс бўлди. Ф. Энгельс ҳамиша ўз дўстига ҳар жиҳатдан самимий ёрдам бериб келди.

К. Маркс «Капитал» I томининг корректурасини ўқиб бўлгач, мамнуният билан Ф. Энгельсга қуйидагиларни ёзган эди: «Шундай қилиб, мана бу том тайёр бўлди. Бу иш сенинг туфайли мумкин бўлганлиги учун миннатдорман. Сенинг ёрдаминг бўлмаганида эди мен бу уч том учун бунчалик катта ишларни бажара олмасдим. Сенга ўзимнинг мислсиз миннатдорчилигимни билдириб, самимият билан қучаман».

Маркс ва Энгельс немис классик фалсафаси билан инглиз сиёсий иқтисодини қайта ишлаб чиққанлари каби француз утопик социализмини ҳам танқидий-ижодий тарзда ўрганиб, уни пролетариат синфий курашининг тажрибалари асосида қайта ишлаб чиқдилар. Улар кишилик жамияти тараққиётининг объектив қонунларини очиб, ижтимоий-иқтисодий формациялар тўғрисидаги таълимотни яратдилар, антагонистик формациялар тараққиётида синфлар кураши ҳаракатлантирувчи куч эканлигини чуқур асослаб бердилар.

К. Маркс билан Ф. Энгельс ижтимоий фикр тарихида биринчи бўлиб илмий коммунизм назариясини ишлаб чиқдилар: капитализм ҳалок бўлиб, унинг ўрнини коммунистик жамият олиши муқаррарлигини исботладилар. Улар коммунистик жамият ижодчиси — пролетариатга унинг ўз буюк жаҳоншумул тарихий вазифаси — капиталистик тузумни ағдариш ва социалистик жамият қуриш вазифасини англаб олишга ўргатдилар. Улар туфайли социализм ҳаёлдан фанга, революцион ҳаракат йўлланмасига, коммунизм учун курашнинг ғоявий қуролига айланди.

Илмий коммунизм назарияси К. Марксниг «Фалсафа қашшоқлиги», «Франция 1848 йилдан 1850 йилгача синфий кураш», «Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брюмери», «Франция граждалар уруши», «Сиёсий иқтисод танқидига доир», «Капитал», «Гота программасининг танқиди» каби асарларида, унинг Ф. Энгельс билан ҳамкорликда ёзилган «Немис идеологияси», «Коммунистик партия манифести» ва бошқа асарларида ишлаб чиқилди.

К. Марксниг улуғворлиги яна шундаки, у Ф. Энгельс билан биргаликда миллий масалага оид асосий ғояларни, пролетар интернационализми принципларини ҳам таърифлаб берди. Ҳиндистон, Туркия ҳақида, Европа мамлакатларининг Хитой, Эрон, Мексика, Марокашга қарши олиб борган мустамлакачилик урушлари тўғрисида, шунингдек, Ирландия ҳақида бир қатор мақола ва очерклар ёзди. Улуғ доҳий XIX асрнинг 50-йилларидаёқ Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги мазлум халқларни озод этишдан иборат буюк интернационал вазифани илгари сурди, социал зулмнинг тугатилиши миллий зулмни тугатишнинг шарт-шароити бўлиб хизмат қилади, деган салмоқли хулоса чиқарди.

Шу асосда Карл Маркс **пролетариат диктатурасини ўрнатиш йўли билангина миллий зулмни йўқотиш ва меҳнаткашлар ҳамкорлигини вужудга келтириш мумкинлигини асослаб берди.**

К. Маркс фақат улуғ назариётчигина эмас, балки истеъдодли амалиётчи ҳам эди. У ўз таълимотларини ишчилар ҳаракатининг тажрибалари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борди. Улуғ доҳий ўз дўсти Ф. Энгельс билан ҳамкорликда Коммунистлар союзини ва I Интернационални ташкил этди. Биринчи бўлиб капитализмга ҳужум бошлаган Париж коммуначиларининг курашига раҳбарлик қилди.

Маркс ва Энгельс ўзларининг илмий, назарий фаолиятларини амалий иш билан боғлаб олиб бордилар. Илмий коммунизмнинг асосчилари назарияга ижодий муносабатда бўлиш, уни революцион амалиёт билан боғлаб ривожлантириш зарурлигини ҳам алоҳида уқтирдилар. Улар ўз таълимотларини қандайдир жонсиз схема, догма эмас, балки ҳаракат учун амалий қўлланмадир, деб ҳисобладилар. Дарҳақиқат, марксизм назариясининг ҳаётий кучи шундаки, у ўз тараққиётида янги-янги тажрибалар ва билимлар билан узлуксиз бойиб, ривожланиб борувчи энг революцион ижодий таълимотдир.

Марксизмнинг тарихий тақдири улуғ Ленининг ижодий фаолияти билан, у барпо этган Коммунистик партиянинг фаолияти билан узвий боғлиқдир. В. И. Ленин ўз фаолиятининг дастлабки қадамларидан бошлаб рус ва халқаро оппортунизмга қарши курашиб, Маркс—Энгельс таълимотини Россиянинг конкрет иқтисодий ва сиёсий шароитига татбиқ қилиб олға сурди. У янги тарихий шароитда— империализм ва пролетар революциялари даврида фаннинг буюк муваффақиятларини илмий асосда якунлаб, уни ишчилар синфи кураши тажрибалари билан боғлаб, марксизмнинг уч таркибий қисмини — фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий социализмни ривожлантирди ва юксак босқичга кўтарди.

Биз яшаб турган давр, яъни ҳозирги ижтимоий ҳаёт Маркс, Энгельс, Ленин таълимоти асосида амалий жиҳатдан қайта қурилаётган даврдир. Марксизм-ленинизмнинг ҳаётий кучи шундаки, у ижтимоий тараққиётнинг энг мураккаб ва долзарб масалаларини илмий таҳлил қилиш калитини беради. К. Маркс ҳамиша ижтимоий тараққиёт қўяётган янги масалаларни, янги тарихий шароитларни ҳисобга олган ҳолда конкрет вазиятни танқидий-ижодий тарзда ўрганиш, уни чуқур мулоҳаза қилиш ва эҳтиёткорлик билан батафсил таҳлил этиш керак, деб таълим берар эди. **«Ҳаётда шундай дафъалар бўладики,** — деб таъкидлаган эди ёш Маркс отасига ёзган хатларидан бирида, — **улар ўтган даврга якун ясайди, аммо айни вақтда муайян даражада ҳаётнинг янги йўналишини кўрсатиб беради. Ана шундай ўтиш даврларда кунларни ва ҳозирги вазиятимизни тафаккуримиз нигоҳидан ўтказамиз».**

Мамлакатимизда жамиятни революцион тарзда тубдан қайта қуриш, унинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, ошкоралик ва демократиялаш кенг кўлам касб этаётганлиги К. Марксниг юқоридаги сўзлари нақадар тўғрилигини тасдиқлаб турибди.

К. Марксниг назарий ва сиёсий мероси билан доимо мулоқотда бўлиш, унинг асарларини қайта-қайта ўқиб, чуқур ижодий идрок этиш, ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб долзарб масалаларини ҳал қилишда «Маркс билан маслаҳатлашиш» улуғ Ленинга, ленинчи партияларга хос хусусиятдир. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қайта қуриш ва янгилаш йўли билан боғлиқ бўлган бугунги кун масалаларига жавоб топишда ҳам, совет кишиларида илмий дунёқарашни шакллантиришда ҳам КПСС марксча-ленинча таълимотдан маънавий озиқ олмоқда. **«Марксизм-ленинизм буюк революцион дунёқарашдир,** — деб таъкидланди КПСС XXVII съездига Марказий Комитетнинг Сиёсий докладида.—**У инсоният ҳали ҳеч қачон ўз олдига қўймаган энг инсоний мақсадни— Ер юзида адолатли социал тузумни барпо этиш мақсадини асослаб берди. У ижтимоий тараққиёт жараёнини қонуний тарздаги, ғоят кенг кўламдаги кўп қирралидиги ва зиддиятлилиги билан яхлит ҳолда илмий асосда ўрганиш йўлини кўрсатиб беради, иқтисодий ва сиёсий кучларнинг характери ва ўзаро муносабатларини тўғри англаб олишга, курашнинг тўғри йўналишлари, формалари ва методларини танлаб олишга, кескин тарихий бурилишларда ўзини дадил ҳис қилишга ўргатади».**

Шу боисдан марксча-ленинча таълимот КПСС учун, барча коммунистик партиялар учун конкрет сиёсий қарорлар, социал-иқтисодий планлар ва режалар ишлаб чиқишда ишончли назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга кўра КПСС ва қардош партиялар ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини чуқур таҳлил этиб, буюк таълимотни ривожлантириб, тўлдириб бормоқдалар. Партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги пленумларининг қарорлари, партиянинг программ ҳужжатлари марксча-ленинча назарий ҳазинага қўшилган ғоят катта ҳиссадир.

М. ИСАМУҲАМЕДОВА,
Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедрасининг катта ўқитувчиси.



Асаларичилик — етти хазинанинг бири. Бунн Жиззах районидаги «Янгнобод » совхози ишчилари яхши билишади. Бу шифобахш неъмат етиштиришга ихтисослашган хўжаликда онлавий пудрат изчил жорий этилаяпти. Асаларичилар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача тўққиз ойлик планни бажаришга аҳд қилишган.

СУРАТЛАРДА: 1. Қадоқловчи Мавлуда Мустанова. 2. Мусобақа ғолиблари Гулсара Бўронова ва Салима Тиловбердиева. 3. Қадоқлаш цехи бошлиғи Суннат Абдужабборов (ўртада), ишчилар Гавҳар Мустанова ва Мавлон Эгамқулов.

Ш. ТЎРАЕВ фотолари.

ХУШХАБАРЛАР

Сирдарё область ижроия комитети қурилиш ва архитектура бўлимларининг ходимлари якка тартибдаги уйларни лойиҳалаш учун буюртмаларни бажара бошладилар. Йил бошидан бери ўн минг квадрат метрдан зиёд уй-жой ҳужжатлари қурувчиларга тайёрлаб берилди. Ердамчи иморатлари ва томорқа участкаси бўлган уч—беш хонали уйларнинг лойиҳалари айниқса харидоргир бўлмоқда. Шу йил бўлим иморат қурувчиларга 150 минг квадрат метрдан ошадиган уй-жой лойиҳаларини тайёрлаб беради.

* * *

Тошкент бинокорлик материаллари комбинати керамик плиталардан тузиладиган оригинал панно ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Харидорларга беш хил ранг-баранг манзара таклиф этилади. Улар ваннахона ва ошхоналарнинг кўрки бўлиб туриши мумкин. Бу йил беш мингта шундай панно тайёрлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

* * *

Республиканинг ҳаво йўлларида хизматини ўтаб бўлган «ЯК-40» самолёти тўртта КамАЗ автомобилига ортилиб, Тошкентдан Ангренга келтирилди. Самолёт йиғилгач, шаҳар маданият ва истироҳат боғига ўрнатилади. Ёш ангренликлар шу қанотли машинанинг эгалари бўлишади. Улар учун самолёт салони видеоклубга айлантирилади. Болалар бу ерда ёқтирган мультфильмларини кўрадилар, ширинликлар ейдилар, шарбатлар ва чанқовбосди ичимликлар ичадилар.

(ЎзТАГ).

Ташвишли сигнал

ЕРНИ НЕГА ШЎР БОСДИ?

Косон районидаги маршал Чуйков номли совхоз чўлқуварлари 2.800 тонна пахта ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришлари керак. Ўзўзидан аёнки, тўпланиб қолган муаммоларни, жумладан мелиорация ишлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этмай туриб, бунга эришиб бўлмайди. Хўжаликда бўлганимизда совхоз мутахассислари билан суҳбатимиз ана шу хусусда борди.

— Чиндан ҳам бу борада муаммолар бир талай, — дейди совхоз бош гидротехниги Бекмурод Қўчқоров. — Биринчидан, дренаж системаларимиз ишламайди. Совхозда лойиҳа бўйича 427 километр ёпиқ горизонтал дренаж қурилиши керак. Шунинг 300 километри бор, холос. Қолган қисми қурилишлари эса сусткашлик билан бормоқда. Ўша 300 километр дренажнинг 200 километри бугунги кунда ишламайди. Қурувчиларнинг масъулиятсизларча иш юритганликлари оқибатида дренажлар ана шундай ҳолга келиб қолган. Улар кечириб бўлмайдиган хатоликларга йўл қўйишган. Жуда кўп жойларда дренажлар яримёрти қурилганича ташлаб кетилган. Мана шулар совхоз ерлари мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишига, ер ости сувининг кўтарилишига олиб келди. Ҳозир хўжалигимизда 1.385 гектар шўр босган майдон бор. Шунинг 840 гектари кучли, 697 гектари ўрта, 78 гектари эса ўта кучли шўрлаган, Ҳозирги кунга келиб ана шу майдонларда деҳқончилик қилиш тобора қийинлашиб бораётир.

— Суғориш тармоқларининг аҳволи қандай?

— Бу борада ҳам катта камчиликлар бор. Масалан, биргина 4-бўлимда 300 гектар ерни суғориш имконини берадиган 10 километр узунликдаги лоток ариқлар яроқсиз бўлиб қолган. Бунга сабаб — «Каршистройиндустрия»га қарашли бетон новлар ишлаб чиқарувчи заводнинг сифатсиз маҳсулоти. Ўша ердан келтирилиб, экин майдонларимиз ёқасига ўрнатилган лотоклар сув оқизилиши билан ёрилиб, увалониб кетаяпти. Натижада суғориш сифати йилдан-йилга ёмонлашмоқда.

— Айни шулар тўғрисида «Каршистройиндустрия» раҳбарларига мурожаат қилганмисизлар?

— Ҳа, биз бу ҳақда икки йилдан буён ҳам ёзма, ҳам оғзаки тарзда айтиб келамиз. Лекин улар ана қиламиз, мана қиламиз, деб нуқул ваъда беришади, амалда эса ҳеч қандай иш қилишмайди.

— Умуман бизда издан чиққан мелиорация ишларини тиклаш имконияти йўқ,— дейди бош агроном Тўра Худойбердиев. — Бу ишни «Каршистрой» территориал бошқармаси раҳбарларининг ёрдами билан амалга ошириш мумкин. Аммо биз уларга мурожаат этсак, турли баҳоналарни рўкач қилишади. Агар совхоз ҳисобидан пул ўтказсанглар, шартнома билан ишлаймиз, дейишади. Ваҳоланки, муаммоларнинг бош сабабчиларидан бири — «Каршистрой» бошқармаси томонидан бажарилган чала ишлар. Улар фойдаланишга топширган майдоннинг 1.000 гектарида ҳозирги кунда деҳқончилик қилиш имкони йўқ.

Совхоз марказий посёлкаси шаҳар қиёфасини олмоқда. У ерда лойиҳа бўйича дренаж қурилиши керак. Лекин бу юмуш ҳанузгача бажарилмаган. Натижада шўр кўтарилиб кетмоқда. Шу туфайли посёлка аҳолиси дарахт ёки гул ўстира олмаяпти. Механизациялашган 7-кўчма колонна қурувчилари барпо этаётган сув йўлларидан эса хонадонларга оби ҳаёт бормаяпти. Улар ҳам бу ишни қўл учида, яъни мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида бажаришаяпти.

Хуллас, хўжаликда мелиорация ишлари билан боғлиқ муаммолар анчагина. Ҳозирги пайтда ана шулар ечимини кутмоқда. Уларни ҳал этиш кўп жиҳатдан «Каршистройиндустрия» ва «Каршистрой» территориал бошқармалари, қолаверса, «Главсредазирсовхозстр о й » раҳбарларига боғлиқ бўлиб турибди. Совхоздаги бу муаммоларни бартараф этиш ҳозирги қайта қуриш даврида асло пайсалга солинмаслиги зарур.

М. КАРИМОВ.

Бўрихол Ражабова ҳалол меҳнати билан эл ичра яхши ном қозониб келаётган чорвадорлардан. У Яккабоғ районидаги «Яккабоғ» совхози сутчилик фермасида ишлайди. Бўрихол ҳамкасбларини Озиқ-овқат программасини амалга оширишда ғайрат кўрсатишга чорлаётир. Айни кунларда моҳир чорвадорнинг ўзи ҳар говмишдан 11—12 килограммдан сут соғиб олмоқда.

Б. ИСМОИЛОВ фотоси.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

УЙДА ЛИМОН ЎСТИРИШ

«Ҳурматли редакция!

Мен уй шароитида лимон ўстиришга қизиқаман. Лекин бу ҳақда бирон-бир қўлланма ёки билимга эга эмасман. Мумкин бўлса, газетада лимон, уни уйда ўстириш, парваришлаш ва кўчатини кўпайтириш тўғрисида мақола эълон қилсангиз.

Муҳиддин ҚОСИМОВ,
Жиззах район, Жданов номли совхоз».

Мухбиримиз биология фанлари кандидати Ҳабибулла ҚОРАБОЕВдан газетхон хатига жавоб қайтаришни илтимос қилди.

Лимон апельсин, мандарин, грейфурут сингари цитруслилар оиласига киради. Улар тропик ва субтропик иқлим шароитларида ўсадиган ўсимликлардир. Цитрус мевалар хушбўй, мазали ва шифобахшлиги билан қадим-қадимдан кишилар эътиборини ўзига тортиб келган. Ҳозирги пайтда лимон уй ва теплицаларда кўплаб етиштирилмоқда. Хўш, хонадонда уни қандай ўстириш ва парвариш қилиш мумкин?

Аввало кўчат тайёрлаш ҳақида. Ўсиб турган лимоннинг 4—6 миллиметр йўғонликдаги пишиқ новдасидан 8—10 сантиметр узунликда, 4—5 куртакли қилиб қаламча қирқиладн. Унинг қуйи қисми барг банди тагидан, уч томони куртак бўртадиган жойдан 2—3 миллиметр юқоридан кесилиши лозим. Қаламча гетероауксин эритмаси билан дориланса, яхши илдиз олади. Бу препаратни тайёрлаш унчалик қийин эмас: бир литр сувга 100 миллиграмм гетероауксин аралаштирилади. Агар у тўлиқ эримаса, ситилиб, яна бир литргача сув қўшилади.

Қаламча тезроқ томир отиши ва тутиб кетиши кўп жиҳатдан у ўтқазиладиган яшик ёки тувак ичидаги аралашмага боғлиқ. Идиш тубига 3 сантиметр қалинликда қум-шағал, унинг устидан 7—8 сантиметр қалинликда чиринди қўшилган тупроқ ва қум, юза қисмига 5—6 сантиметр қалинликда йирик қум солинади.

Кўчат ўтқазишдан аввал яшикдаги қум текисланиб, сув қуйилади. Сўнгра қаламчалар бир-биридан 5 сантиметр узоқликда, қатор кенглигини 8 сантиметр қилиб, 2 сантиметр чуқурликка қадалади ва гулчелак ёрдамида уларга сув сепиб чиқилади. Шундан кейин идиш усти ойна билан ёпилади, Қаламча илдиз чиқараётганда остидаги қум доимо нам бўлиши, бунинг учун ҳар куни 2—3 марта енгил суғориб туриш лозим. Бу сув илиқ, яъни 18—25 даража атрофида бўлиши керак. Ҳарорат ва намлик етарли шароитда кўчатлар 3—4 ҳафта ичида томир отади.

Кўчиришдан олдин қаламчалар устидаги ойна олиниб, бир неча кун очиқда сақланади. Сўнгра алоҳида яшик ёки тувакка ўтқазилади ва ҳар ўн-ўн икки кунда суюқ ҳолдаги гўнг, шу муддат ичида икки марта 0,2 процентли аммиак селитраси билан озиқлантирилади.

Лимон ўстирилаётган идишни ўсимлик ёши ва ҳолатига қараб ҳар йили ўзгартириб, катталаштириб бориш лозим. У кўчирилаётганда тупроқ биринчи тартиб илдизигача олиб ташланади, айни вақтда зарарланган томирлар қирқилади. Шундан сўнг янги аралашма солинади. У ювилган қум, ўтлоқ тупроқ ва чириган гўнгдан тайёрланади.

Лимон уй ичида тувакда парвариш қилинаётган бўлса, унга қуйидагича шакл бериб борилади: дастлабки йили асосий новда 15—20 сантиметрдан, ён шохлари эса бутунлай қирқилади. Асосий новдадан чиққан биринчи тартиб шохчалар узунлиги 20—25 сантиметр бўлганда ўсиш нуқтаси юлиб ташланади. Шунда барг қўлтиқларидан иккинчи тартиб шохчалар ўсади. Улар ҳам 20 — 25 сантиметрдан кесилади. Бу жараён кейин ҳам давом эттирилади.

Лимонни аммиак қўшилган калий тузи билан озиқлантириш тавсия қилинади. Буни тайёрлаш осон: бир челак сувга 50 грамм аммиак ва 20 грамм калий тузи солиниб аралаштириш кифоя. Шунингдек, ўсимликка суперфосфат ҳам бериб туриш керак. Суюлтирилган мол гўнгига 50 грамм суперфосфат қўшилиб, сўнгра экинга берилса, ўғитнинг таъсирчанлиги тезлашади ва ортади.

Суғориш тартиби шундай: тупроқ баравар намланиши, бунинг учун сувни уч-тўрт бўлиб бериш зарур. Қишда эса жуда кам, агар 4—6 даража иссиқ уйда ўстирилаётган бўлса, ҳар ойда бир-икки марта суғорилади. Лимон совуқдан сақланиши учун хона ҳарорати 15—18 даража бўлиши, қуёш нури тушадиган ёруғ томонда туриши лозим. Шунда ўсимлик қишдан новдалари пишиб, барги тўкилмасдан, зарарсиз чиқади.

Республикамизда лимоннинг маҳаллий иқлим шароитига ўргатилган ёки мослаб яратилган кўпгина навлари ўстирилади. Айниқса «Мейер» нави серҳосиллиги, чидамлилиги билан бошқаларидан ажралиб туради. У хонада ҳам яхши ўсади. Бундан ташқари «Юбилейний», «Тошкент» ва бошқа навларни ҳам уйда парвариш қилиш мумкин.

Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисида В. И. Ленин имзо чеккан декретнинг 70 йиллиги олдидан

ДОВРУҒИ ДОСТОН БУГУН

УТМИШГА БИР НАЗАР

Туркистон тизма тоғлари этагидан бошланиб, кўчма қумлар макони— Қизилқум барханлари билан қўлтиқлашган Мирзачўл нималарнинг гувоҳи бўлмаган, унинг ўтмиш саҳифаларига кўз ёшлари билан нималар ёзилмаган дейсиз! Бир вақтлар бу чўл қанчаданқанча карвонларни издан чиқариб, сайёҳларни ўз қаърига тортган. Бағрида беҳисоб бойликларни пинҳон тутган Мирзачўл ўз измига бўйсундирмоқчи бўлган шоҳу гадо, ошиғу маъшуқ, деҳқону заргар, лашкару уламо— ҳамма-ҳаммасининг орзу ипларини чувалатиб ташларди, ҳужум қилганларни даҳшат ўтида ёндирарди.

Шу боисдан «чўл» сўзини ҳаяжонланмасдан айтолмайсан киши. Уни тилга олганингда ҳар сафар эски нақллар ва мунгли достонларни эслайсан. Нортуяларда чўл босган сайёҳларнинг қисматлари, сув ишқида ўртанган ширинларнинг фожиалари, ёр висолини биёбонларда излаган мажнунларнинг саргузаштлари жонланади кўз ўнгингда. Бир қултум сув битта ҳаёт билан баравар ҳисобланган жой ҳам ўша беназир чўл бўлган. Уни «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди» деб бежиз таърифлашмаган.

Бундан юз йигирма йиллар чамаси аввал бу ерда бўлган рус инженери, олим А. Ульянов афсус-надоматлар билан қуйидаги сатрларни ёзган: **«Борди-ю, бу ерда карвонларга дуч келиб қолсангиз, улар сиздан қўрқиб қочиб кетаётганини кўрасиз. Қўрқишнинг боиси— кишининг ундан сув сўраб қолиши. Бу ерда сув олтиндан ҳам қиммат туради. Йўлдан адашишни ёки сувингиз тўкилиб кетишини худо кўрсатмасин сизга... Май ойиданоқ ҳарорат 40 даражага кўтарилиб, кишини эзиб қўяди. Ниҳоят «ёқимли тунда тошбақа ва қора қуртлар билан бирга бўлишни кўз олдингизга келтиринг. Шундагина сиз Мирзачўл ҳақида анча-мунча тасаввурга эга бўласиз».**

Революциядан анча олдин Мирзачўл тадқиқотчиларидан бири В. И. Массальскийнинг машҳур рус географи Семёнов-Тяншанский таҳрири остида босилган «Туркистон ўлкаси» китобида Мирзачўл ҳақида **«жазирама иссиқлиги ва бутунлай ҳаёт йўқлигидан бу текислик ўзининг номига мос келади»** деб таъкидланган.

Мирзачўлнинг ўтмиши ана шундай аянчли бўлган. Чўлни бўйсундириш учун кураш тарихи катта даврни ўз ичига олади. Азим чўлдан фойдаланиш аввало сув муаммоси билан боғлиқ эди. Сув дея, сув дея бу қадим ерларнинг кўп умри бекор ўтди. Бизгача етиб келган жуда кўп қўшиқлар, нақллар ва афсоналардан ҳам халқ чўлга сув етаклаш орзусида яшаганлиги яққол сезилиб турибди.

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳам беназир чўлга сув чиқариб, бўстон яратишни орзу қилган. Мутафаккир шоир ўзининг «Наҳрул ҳаёт», яъни «Ҳаёт дарёси» ҳақида яратган афсонасида гўзал малика Ширининг чўлга сув чиқариш орзусида юрганлиги ва унинг бу шартини бажарган кишига соф муҳаббатини бағишлашга қарор қилганлигини тасвирлайди.

Рус чоризми ўз мустамлакаси — Туркистонни, жумладан Мирзачўлни арзон хом ашё— пахта манбаига айлантиришга катта эътибор берди. Кейинчалик Америкадан олинадиган пахта нархи кескин ошиб кетганлиги сабабли рус тўқимачилик саноатида фавқулодда вазият содир бўлди. Бу ҳол Туркистон пахтасига қизиқишни яна ҳам оширди ва ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида пахтанинг дастлабки тонналари Россияга жўнатила бошланди. Ана шундан кейин Мирзачўлни ўзлаштириш чор Россиясининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди, кетма-кет лойиҳалар тузилди.

Мирзачўлни фақат суғориш йўли билангина пахта конига айлантириш мумкин эди. Шунинг учун ҳам Мирзачўл ҳатто Англия, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Швейцария ва бошқа баъзи капиталистик давлатларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Айниқса Англия Ўрта Осиёни мустамлакага айлантириш учун анча уринди кўрди. Ўз навбатида Америка миллионери Жон Гейс Гаммонд Қорақум ва Мирзачўлга сув чиқаришни мўлжаллади. Инглиз ва швейцар капиталистлари эса Мирзачўлнинг канал лойиҳасини ҳам тузмоқчи бўлдилар. Бироқ улар бундай мушкул ишга журъат эта олмадилар, тўғриси, катта зарар кўришдан чўчидилар.

Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман ташаббуси билан Мирзачўлни суғориш бўйича қатор тадбирлар белгиланди. 1872 йилда Бекобод ёнидан канал қазишга киришилди. Канал қурилишига уездлардан мажбурий равишда ишчи кучлари сафарбар этилди. Лекин бу уринишлар натижа бермади.

Навбатдаги ишлар подшо ҳукуматининг фармонига мувофиқ «Улуғ князь» Н. К. Романов зиммасига юклатилди. У подшо хонадонининг вакили бўлиб, сарой низолари натижасида пойтахтдан четлатилиб, саксонинчи йил бошида Туркистонга жўнатилган эди.

«Улуғ князь» канал чиқариш иши билан 1883 йилданоқ шуғуллана бошлади. У 1883—1885 йилларда «Искандар ариқ»ни, сўнгра «Бухор ариқ»ни кавлатди. Лекин иш жуда секинлик билан бажарилганлиги учун канал Бекободдан узоқлашмади. Канал қазиш оғир шароитда ўтди, иш жараёнида кўп киши ҳалок бўлди. Тарихий маълумотларга кўра, тўғонни очиш куни, 1891 йилнинг 9 майида бу ерга князнинг кўп меҳмонлари ташриф буюришган. Тантанали нутқлар сўзланган ва зиёфат уюштирилмоқчи бўлинган. Бироқ сувнинг кучли оқими тўғонни уриб, канал қирғоқларини ювиб юборган. Уч кун деганда канал бутунлай ишдан чиққан. Қилинган меҳнат ва сарфланган маблағ зое кетган. Кейинги ҳаракатлар ҳам унчалик муваффақиятли бўлавермаган.

Шундай қилиб рус чоризми деярли ярим аср уриниб, Мирзачўлни ўзлаштиришнинг уддасидан чиқа олмади. Октябрь инқилобигача ўтган давр мобайнида бирмунча катта давлат маблағлари сарфланиб ва кўп машқатқатлар эвазига Мирзачўлда 30 минг гектар ер ўзлаштирилди, холос.

ТАБАРРУК ИМЗО ШАРОФАТИ

Мирзачўл баҳори Ленин даҳоси, Ленин закоси билан бошланди. Владимир Ильич Улуғ Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг кўп вақт ўтмай Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақида ўйлай бошлади. Чунки мамлакат енгил саноатини ҳом ашё билан таъминлаш учун Мирзачўлни пахта конига айлантириш керак эди.

Мамлакатимиз оғир кунларни бошидан кечираётганди. Биринчи жаҳон уруши, чет эл интервенцияси ва гражданлар уруши туфайли ёш Совет республикасининг молиявий аҳволи жуда танг эди. Юз берган қийинчиликларга қарамай В. И. Ленин 1918 йилнинг 17 майида Туркистон ўлкасида суғориш ишларига 50 миллион сўм пул ажратиш ва ана шу ишларни уюштириш тўғрисидаги Декретга имзо чекди.

Ушбу тарихий ҳужжатда жумладан мана бундай дейилади:

«1. Россия тўқимачилик саноатининг пахта билан таъминланишини ошириш юзасидан тузилган иш плани тасдиқлансин. Бу план қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади: а) Самарқанд области Хўжанд уездидаги Мирзачўлда 500 минг десятина ерни суғориш ва Далварзин чўлида 40 минг десятина ерни ўз ичига олган Мирзачўлнинг рўпарасида Сирдарёнинг нарғи қирғоғидаги ирригация системасини асосий иншоотлар билан таъминлаш....

2. Шу Декретнинг биринчи моддасида кўрсатилган ишлар учун 1918 йилда Туркистондаги суғориш ишлари бошқармасига давлат хазинаси маблағидан 50 миллион сўм пул чиқарилсин».

Декрет мамлакатдаги тўқимачилик саноатини, Туркистон қишлоқ хўжалигини юксалтиришни, Мирзачўлнинг келажак тақдирини белгилаган муҳим тарихий ҳужжат эди. Мирзачўлни ўзлаштириш ва суғориш ишлари асосан ана ўша тарихий санадан бошланди. Азим чўл эпопеясининг зарварағи шу кундан очилди. 1918 йил апрелида Москвада Туркистон республикасида суғориш ишларини ташкил этиш бўйича алоҳида комиссия тузилди.

Владимир Ильич пахтачиликни юксалтиришда чўлларни ўзлаштириш ва суғоришнинг аҳамиятини таъкидлаб, шундай деган эди: **«Суғориш ҳаммадан ҳам кўпроқ зарурдир ва у ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди».**

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ленининг суғориш ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилиб, бу ишни кенг кўламда ўтказишга киришдилар. Мирзачўлга кўплаб мутахассислар —инженерлар, ирригаторлар юборилди. Бу ерга келган мутахассислар Мирзачўлдаги мавжуд канални кенгайтириш ва узайтириш, унинг янги тармоқларини қуриш каби ишлар билан шуғулландилар.

Деҳқонлар янги ўзлаштирилган майдонларда биринчи навбатда пахта етиштира бошлашди. Агар Октябрь революциясига қадар Мирзачўлда пахта майдони 19 минг гектарни ташкил этган бўлса, 1926 йилга келиб бу қимматли экин майдони 27 минг гектарга етди. Сўнгги йилларда пахта майдонлари кенгайиши билан гектарлар ҳосилдорлиги ҳам орта борди.

Ленин Декретидан кейин Мирзачўл ерларини ўзлаштиришга эътибор кучайтирилгач, бу ерга кўчиб келувчилар сони ҳам кўпайди. Шу тариқа қалдирғоч давлат хўжаликлари тузиш имконияти туғилди. «Далварзин», «Боёвут» группа совхозларига, кейинчалик «Малик» совхозига асос солинди. Мусофиробод, Янгиовул сингари қишлоқлар вужудга келди. Ўша йиллардаёқ Мирзачўлда коллектив хўжаликлар тузиш борасида дастлабки қадамлар ташланган эди. Сирдарё бўйида ташкил топган биринчи коллектив хўжаликка «Бирлашган куч» деб ном қўйилди. Колхоз аъзолари дастлабки йили 30 гектар ерга чигит экиб, ўртача 6 центнердан хирмон кўтардилар. Бу эса биринчи бор тузилган хўжалик учун юқори кўрсаткич эди.

Сўнгги йилларда Мирзачўлда бирин-кетин янги колхозлар тузила бошлади. 1928—1930 йилларда «Красная заря», «Октябрь», «Қизил деҳқон», «Темир қадам», «Коммунизм» сингари бир неча коллектив хўжаликларга асос солинди.

1941 йилда Улуғ Ватан уруши бошланганлигига қарамай Мирзачўлни ўзлаштириш давом эттирилди. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги, меҳнаткашлар оммасининг фидокорона меҳнати туфайли Улуғ Ватан урушидан кейинги ўн йил мобайнида 30 минг гектарга яқин қамишзор ўрнида экинзорлар барпо этилди. Янги ерлар ўзлаштирилаётганлиги, аҳолининг кўпайиши, янги колхоз ва совхозларнинг барпо этилиши туфайли Мирзачўлнинг экин майдони кенгайиб, бу ерда бир неча район тузилди. 1953 йилда Мирзачўлдан Боёвут райони ажралиб чиқди.

Кейинчалик Мирзачўл фақат пахта етиштирувчи база бўлиб қолмай, балки қишлоқ хўжалиги бошқа экинлари ўстириладиган масканга ҳам айланди. Халқ хўжалиги юксалиши билан колхозчилар, совхоз ишчиларининг турмуш даражаси яхшилана борди.

ЧЎЛ УЙҚУСИНИ БУЗГАНЛАР

Чўлни чекинтириш пионерларидан бири Михаил Михайлович Бушуев бўлди. У Россиядан Мирзачўлга агроном бўлиб келиб, бутун ҳаётини, билимини асрлар давомида қақраб ётган чўлни ўзлаштириш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга бағишлади. Узоқ йиллар давомида бу ердаги тажриба станциясига бошчилик қилди. Алмашлаб экиш усулини жорий этди. Ёпиқ зовур қазиш планини тузиб, уни амалга оширди.

Михаил Бушуев Мирзачўлнинг шўр ерларида ғўза, каноп, маккажўхори, хашаки ва қанд лавлаги етиштириш агротехникасини биринчи бўлиб ишлаб чиқди. Чўл шароитида боғдорчилик, сабзавотчиликни ривожлантириш соҳасида илмий ишлар олиб борди. Шунингдек, у чорвачилик селекцияси билан ҳам шуғулланиб, маҳсулдорлиги юқори бўлган янги қорамол зотини яратди.

Михаил Михайлович Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси ҳақидаги хушхабарни Мирзачўлда зўр қувонч ва ҳаяжон билан кутиб олди. У 1918 йилда Коммунистик партия сафига кирди. Шу йили Туркистон республикасининг биринчи Ер ишлари комиссари қилиб тайинланди. Мирзачўлликлар фахр ва ифтихор билан «Нарком Бушуев» деб атаган ҳурматли бу олим миллий кадрлар тайёрлашда катта жонбозлик кўрсатди. Унинг иши ва номи Мирзачўл ерларини ўзлаштириш тарихи зарварақларида ҳурмат билан қаламга олинади. Таниқли инженер А. И. Курсиш ҳам Мирзачўлни ўзлаштиришга биринчилар қатори бел боғлаганлардан. У Шимолий Мирзачўл (ҳозирги Киров номли) канали қазишида фаол иштирок этди.

Мирзачўл бағридан шундай меҳнат қаҳрамонлари етишиб чиқдиларки, улар чўлу биёбонда экин экиб, мўл-кўл ҳосил олиб, донг таратдилар. Булар — Александр Диамидович Брухтий, Ғанишер Юнусов, Тилов Маманов, Сотиболди Матвалиев, Мамажон Дадажонов, Собиржон Сиддиқов, Абдураҳмон Султонов, Лолахон Эрбўтаева, Қодирқул Султонов, Мирзамиддин Исоқулов, Қўзибоқар Синдоров, Назира Йўлдошева, Турсунбой Латипов, Жавод Кўчиев ва бошқалардир. Бундай мўътабар кишиларнинг номлари чўл китоби саҳифаларида абадий муҳрланиб қолади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1956 йил 6 августда қабул қилинган қарори Мирзачўлни кенг кўламларда ўзлаштиришда янги, катта босқични бошлаб берди. У ленинча Декретнинг узвий давоми бўлди. Сўнгги йилларда Мирзачўлда индустриал база вужудга келтиришга жиддий эътибор берилди. Гулистон ремонт-механика заводи, Жиззах қурилиш материаллари комбинати, Янгиер темир-бетон буюмлари ва конструкциялари заводи ҳамда бошқа йирик саноат корхоналари қурилиб ишга туширилди. Бундай базанинг яратилиши Мирзачўлни индустриал асосда ўзлаштириш ишини тезлатишга ёрдам берди.

ЁШЛИК ВА ДЎСТЛИК МАСКАНИ

Ёшлик — ҳаёт жиловдори, янгилик ташаббускори. Ёшлик қадами етган ерда ҳаёт гуркирайди. Қадимги Мирзачўлга ҳаёт бағишлаб, уни Мирзагулистонга айлантирганлар, бу воҳага хазони йўқ гул олиб келганлар ҳам ана шу ижодкор ёшлардир.

Мирзачўлни ўзлаштиришга нафақат республикамиз областларидан, балки Москва, Ленинград, Болтиқ бўйи республикалари шаҳарларидан ҳам ўтюрак, олтин қўлли йигит-қизлар келишди. Мирзачўлга кўчиб келганлар дастлабки йилларда анча ноқулай шароитда яшаб меҳнат қилдилар. Лекин уларни чўлнинг на жазирамаси на шамоли, на шўри ва на чивини чўчита олди. Ёшлар вагонларда, ертўла-ю чодирларда яшадилар. Улар ғайрат-шижоат билан янги ерлар очиб, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар. Кўркам шаҳар ва ғўзал қишлоқлар, равон йўллар барпо этдилар.

Қўриқ ўлкада амалга оширилаётган буюк ишларда халқлар дўстлиги, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Мирзачўлга ҳужум бошланган дастлабки йилларда беш-олти миллат вакиллари меҳнат қилишган бўлса, ҳозир бу ерда юз миллат ва элат вакиллари яратувчилик ишлари билан банд.

Кўпгина комсомол-ёшлар коллективлари таркиби интернационал эканлиги, ўзбеклар ва руслар, тожиклар ва қозоқлар, турклар ва озарбайжонлар, қиргизлар ва татарлар, корейслар ва арманлар ёнма-ён туриб самарали меҳнат қилаётганликлари кишини беҳад қувонтиради. Улар бир-бирларини ўз халқининг маданияти, яхши анъаналари билан бойитиб, ягона аҳил оила бўлиб яшашга ўрганмоқдалар. Бир мисол: Оқолтин районида ана шундай интернационал бригадалардан бирига Сиддиқа Сейдаметова бошчилик қилмоқда. Бу комсомол-ёшлар бригадасида беш миллат вакиллари ишлашаяпти. Уларнинг биргаликда яшаш ва меҳнат қилишга интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳам қарз, ҳам фарз.

Ёшларнинг интернационал дўстлиги, ўзаро ёрдами ва жипслиги қайта қуриш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, маънавий-маданий соҳаларда ўзгартишларни амалга ошириш вазифаларини ҳал этишга ёрдам бермоқда. Бу дўстликнинг кучи нафақат янги ерларни ўзлаштиришда, балки республика энергетикасининг байроқдори — Сирдарё ГРЭСини, ўнлаб янги шаҳар ва посёлкаларни қуришда яққол намоён бўлди.

ЭЪТИРОФ

Дунёнинг ҳамма томонидан турли вақтларда келган ҳар хил тоифадаги кишилар хотираларидан улар чўлқуварларнинг азим Мирзачўлни ўзлаштириш соҳасида олиб борайтган ишларидан ғоят ҳайратланганликларини яққол сезиш мумкин. Жумладан кубалик шоир Элисио Диего қуйидагиларни ёзади: **«Мирзачўлга сув чиқариб ҳаёт бахш этиш азиз меҳмонга нон-туз тақдим этишдек лаззатли. Лекин космосга учишдек қийин. Совет кишилари бу қийинчиликларни енгиб, чўлнинг кўксини кўз қувонадиган даражада безашди. Бу— чўл пахтаси, қовун-тарвузи, бедаси, маккажўхориси. Хуллас, инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ҳамма нарса шу ерда етиштирилаётганини кўриб қойил қолдик».**

Финляндиялик журналист Раймон Сеппеланинг таассуротлари ҳам бир олам. У шундай ёзади: **«Мирзачўллик чўлқуварларга қойилмиз. Улар асрий чўлни абадий гулистонга айлантиришибди. Бу ерда оқ олтин кони очилибди. Одамлар яқин-яқинларгача қадам босишга қўрқиб юрган чўл бугун совет кишиларининг иродаси билан Мирзагулистонга айлантирилибди. Бизни ўзига чорлаган ҳам Мирзачўлнинг гўзаллиги, бу ерда амалга оширилаётган улкан ишлардир. Чўлқуварлар меҳнати — қаҳрамонлик нишонаси».**

«Биз Мирзачўл ерларида совет кишилари, хусусан ўзбек деҳқонлари қўли билан яратилган жаннатнинг асл нусхасини кўрдик. Чўлқуварларнинг меҳнат майдонидаги жасорати, матонати бизда ғоят катта, ўчмас таассурот қолдирди. Биз ўзимиз билан бирга қалбимизда Мирзачўл ҳиссиётини олиб кетаяпмиз». Бу — Бангладеш республикаси Бош министрининг маслаҳатчиси Аббос жанобларининг эътирофи.

Энди эътиборингизни америкалик сайёҳлар группасининг бошлиғи Жилбер Стаммнинг мана бу сўзларига жалб этмоқчимиз: **«Биз, америкалик мутахассислар янгидан сув чиқарилиб ўзлаштирилаётган Мирзачўл ерларини кўриб лол қолдик. Мирзачўл яхши одамлар, уларнинг меҳнатини бирлаштириб, халққа хизмат қилдириш маконига айлантирилибди».**

* * *

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, турғунлик даврида чўлни ўзлаштиришда пала-партишликка йўл қўйилди. Ундан хўжасизларча фойдаланиш ҳоллари содир бўлди. Бу эса салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бир қисм ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди. Коллектор, зовур, дренажлар нафи камайиб, шўр босган майдонлар сатҳи кенгайди.

Лекин булар Мирзачўлда амалга оширилган улкан ишларга асло соя ташлай олмайди. Покланиш, янгиланишнинг ёқимли шабадаси эсаётган бугунги кунда йўл қўйилган хатолар, салбий ҳодисалар рўйи-рост айтилиб, уларни бартараф этиш тадбирлари кўрилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Известия» газетаси мухбирлари саволларига берган жавобида: **«Ленин имзолаган дастлабки хўжалик планларидан бири Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги Декрет эди. Ана шу Декретнинг 70 йиллигини нишонлаймиз. Давлатимизнинг пахтачиликка сарфлаган жуда катта маблағлари юксак самара берди. Мамлакатимиз пахтани четдан ташиб келтирадиган давлатдан уни хорижга сотадиган йирик давлатга айланди»**, деб таъкидлади. Зотан, бошланган хайрли ҳаракат давом этаверади, доҳий назари тушган Мирзачўл жамол очиб, камол топиб, мафтункор бўлиб бораверади.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

ЖЎШҚИН ҲАЁТ ЛАВҲАЛАРИ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Избоскан районидаги Мичурин номли совхозининг Набижон Назирқулов бошлиқ бригадаси эрта баҳордан буён хўжаликларга, корхона ва ташкилотларга 400 минг тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари сотди. Ниҳол етиштиришда Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати Сайлихон Насриддинова, Турсуной Мамасиддиқова, Ширин Назирова, Умрихон Хайриддинова каби ишчилар ғайрат кўрсатишди.

Кўчатчилик совхозга яхши даромад келтираяпти.

А. НУРМИРЗАЕВ.

* * *

«Қипчоқ совхози (Амударё райони) сўнгги йилларда қолоқликдан қутулолмаяпти. Пахта тайёрлаш плани 1986 йилда 70, бултур 68 процентда қолди. Бунинг боиси шуки, хўжаликда алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилмаган, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, маҳаллий ўғит жамғаришга эътибор йўқ.

Бу йил совхозга илғари райижроком раиси вазифасида ишлаган Қосим Наметов раҳбарлик қилаяпти. Меҳнат аҳли янги директорга катта умид боғлаб, кўтаринкиайфиятда ишлаётир. Қолоқликни буткул тугатиш, резервларни ишга солиш тадбирлари кўрилмоқда.

Х. ОТАМУРОДОВ.

* * *

«Ҳар гектар ердан камида 30 центнердан оқ олтин етиштирамиз!» — Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхознинг коммунист Абдуваҳоб Ахтанов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил шундай мажбурият олишган. 114 гектар майдонга барака уруғи қулай ва қисқа муддатларда экилди. Эртаиндин дастлабки ишлов бериш бошланади. Механизаторлар Беркин Қулматов ва Холбой Турсунов культиваторларни созлаб қўйишди. Ғафур Арслонов, Тўйчи Ахтанов, Холбой Умрзоқов, Қўчқор Сулаймонов сингари тажрибали деҳқонлар дала юмушларини бажаришда бош-қош бўлмоқдалар.

Қ. РАЖАБОВ.

* * *

Март ойида Москва районидаги Фрунзе номли колхозда правление раислигига сайлов бўлиб ўтди. Раҳбарлик лавозимига тўртта номзод қўйилди. Колхозчилар илғари шу хўжаликда иқтисодчи бўлиб ишлаган, айни пайтда район план комиссиясининг раиси вазифасини бажараётган Сайдали Мадаминов номзодига энг кўп овоз бердилар.

Янги раис беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли уддалаш ниятида меҳнат аҳли билан бамаслаҳат иш юритмоқда.

К. ОТАБОЕВ.

* * *

Олот районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг давлат банкидаги счётида 1982 йилда 1.248.000 сўм маблағ бор эди. Ҳозир 6 миллион 600 минг сўмдан ошди. Тўла хўжалик ҳисобига ўтилгани ана шундай иқтисодий юксалиш омили бўлди. Илғор усуллар, хусусан пудрат кенг жорий этилгани туфайли ижодий ишлаш, тежамкорлик кучайди. Тармоқлар рентабеллиги, колхозчилар манфаатдорлиги тобора ортмоқда. Бу йил хўжаликда барча соҳалардан 1,5 миллион сўм фойда олиш кўзланмоқда.

Б. ЖУМАЕВ.

* * *

Яккабоғ районида уруғчиликдан яхши даромад олинаяпти. Будённий номли от заводи ўтган йили 3 тонна ўрнига 15 тонна беда уруғи сотиб, мўмай фойда кўрди. 5 тонна қовун-тарвуз, пиёз, сабзи уруғлари эвазига 155 минг сўм кирим бўлди. Завод меҳнаткашларининг бу йилги нияти янада катта: уруғчиликдан келадиган даромадни 220 минг сўмга етказиш мўлжалланмоқда.

Бу борада «Правда», «Шарқ юлдузи», Ульянов номли колхозларда ҳам ибратли ишлар амалга оширилаётир.

Ҳ. ТУРДИЕВ.

* * *

Рўзимат Зокиров бошқарувчилик қилаётган бўлим деҳқонлари «Ленинчи» совхозида (Бўз райони) дала ишлари мусобақасида пешқадам. Улар жорий йилда 1.470 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан оқ олтин етиштириш, ҳосилнинг камида 70 процентини машиналар билан саранжомлашга бел боғлашган. Барча пайкалларга чигит оби-тобида қадалди. Айни пайтда уруғни текис ундириб олиш, тўла гектарлар яратиш, дастлабки ишловни бошлаш тадбирлари кўрилмоқда. Шунингдек бўлимда беда, буғдой, қовун-тарвуз парвариши уюшқоқлик билан олиб борилаяпти.

Ҳ. РУСТАМОВ.

* * *

Самарқанд районидаги «Ленинобод» совхози миришкорлари бултур давлатга 2.500 тонна узум, 1.342 тонна мева, 2.737 тонна сабзавот, 305 тонна картошка топшириб, топшириқларни ошириб уддалашганди. Бу йилги ният ҳам катта. 285 гектар токзор, 133 гектар боғ, 110 гектардаги сабзавот экинлари юқори агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. Мардон Усаров, Ахрор Акромов, Рўзибой Азимов, Маъруф Шарипов бошлиқ бригадалар бу ишда намуна кўрсатишаяпти.

Ҳ. ҲАКИМОВ.

* * *

Ленин номли колхознинг Қодир Умиров бошлиқ бригадаси (Шофирқон райони) пахтакорлари бу йил 71 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан хирмон кўтаришни кўзлашган. Барвақт, сифатли экилган чигит қийғос униб чиқмоқда. Эртаиндин ёш ниҳолларни парваришлаш бошланади. Механизаторлар Ҳошим Избосаров, Рашид Нарўзов, сувчилар Ҳалим Адизов, Нўъмон Сафаров, Тилов Жумаев, чопиқчилар Ўғилой Турсунова, Хуршида Ярашева, Ирода Сафарова, Инобат Шарипова дала юмушларини бажаришда ғайрат кўрсатишаяпти.

Р. АЗИМОВ.

* * *

Бултур Олтинкўл районида пудрат кенг жорий этилди. Деҳқон ва чорвадорлар унинг афзаллигига бир йилдаёқ ишонч ҳосил қилишди. Илғор усул самарадорликни, меҳнат унумдорлигини ва манфаатдорликни оширди. Калинин номли колхознинг С. Обидов бошлиқ бригадаси 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,5 центнердан оқ олтин йиғиштириб олди. «Коммуна» колхозидан У. Жўраев, Қ. Хўжаев, Свердлов номли колхоздан Ж. Мадумаров, Навоий номли колхоздан К. Жиянов, Ҳ. Каримов бошлиқ звенолар пахтакорлари, «Коммунизм» колхозидан М. Абдуллаев бошлиқ озуқакорлар, «1 Май» колхозидан И. Абдуллаев, М. Сиддиқов, Т. Мамадалиев бошлиқ соҳибкорлар ҳам янгича ишлаб, яхши натижаларга эришдилар. Пудратчилар сафи бу йил янада кенгайди.

Қ. МАҲКАМОВ.

* * *

Усмонали Ғаниев бошлиқ бригада Марказий Фарғона даштида деҳқончилик қилади. Коллектив ўтган йили ҳосилдорликни гектар бошига қарийб 21 центнерга етказганди. Эндиги мақсад — 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан хирмон кўтариш. Айни кезларда тўлиқ гектарлар яратиш учун курашилмоқда. Ғўза парваришини бошлашга пухта ҳозирлик кўрилаяпти. Умуман Ёзёвон районидаги Зикриё Ғаниев номли совхознинг бошқа бригадаларида ҳам дала ишлари қизитилмоқда.

М. ТОШБОЕВ.

* * *

Ромитан районидаги «Ромитан» совхозининг Остона Тешаев бошқарувчилик қилаётган 4-бўлими деҳқонлари бу йил 786 гектарнинг ҳар гектаридан 35 центнердан оқ олтин етиштиришни кўзлашган. Барча майдонларга уруғ қисқа ва қулай муддатларда қадалди. Шу кунларда яшил қаторлар олинаяпти. Узаро социалистик мусобақада Фармон Ҳайитов, Шароф Бешимов, Мардон Ҳожиев бошлиқ бригадалар пешқадам.

Ш. БОҚИЕВ.

Фоторепортаж

Уйчи районидаги Тельман номли колхоз озуқакорлари бу йил 600 гектар ерда ем-хашак экинлари ўстирдилар. Айни пайтда Ғафуржон Халилов бошлиқ звено аъзолари 17 гектар майдонда оралиқ экин — рапс ҳосилини ўриб олишда ғайрат кўрсатаяптилар. Барра ўтлар охурларга келиб тушгач, говмишлар маҳсулдорлиги янада ошаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Звено бошлиғи Ғ. Халилов. 2. Механизатор М. Исоқов. 3. Ўрим пайти.

В. МОЛГАЧЕВ ва Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотолари.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Музаффар ака Норов — халқимизнинг Буюк Ғалабасига ҳисса қўшганлардан бири. У 1942 йилда урушга кетиб, жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатди. Чехословакия, Австрия шаҳарларини озод этишда қатнашиб, Берлингача борди. Кўксини орден ва медаллар безади. Урушдан сўнг она қишлоғи — Шофиркон районидаги «Шофиркон» совхозида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Собиқ жангчи ўқувчилар билан тез-тез учрашиб туради ва уларга суронли йиллар ҳақида сўзлаб беради.

СУРАТДА: М. Норов Свердлов номли 12-ўрта мактаб ўқувчилари даврасида.

Ҳ. ҚУРБОНОВ фотоси.

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ШИФО

Чортоқ районлараро саёҳатлар ва экскурсиялар бюросида шу йилнинг январидан туристик саёҳатларни санаторийларда даволаниш билан кўшиб олиб бориш Иттифоқда биринчи бўлиб жорий этилди.

— Бунга осонликча эришилмади, — дейди бюро директори Т. Ҳамзаев. — Янги усул афзалликларини исботлашга тўғри келди. Сўнгра тайёрланган йўлланмалар Иттифоқимиздаги саёҳатлар ва экскурсиялар кенгашлари ҳамда бюроларининг Самарқанд шаҳрида ўтказилган анжуманида тарқатилди.

Қисқаси, меҳнаткашларнинг ҳам саёҳат қилишлари, ҳам даволанишлари дастлаб «Чортоқ» санаторийсида йўлга қўйилди. Ҳозиргача Сирдарё ва Жиззах областларидан келган уч группа (90 киши) 20 кундан ҳордиқ чиқариб, дардларига шифо топиб кетишди. Ғаллаорол районидаги республика ғаллачилик илмий тадқиқот институтининг ишчиси Неъматжон Дўстёров шундай деди:

— Менга «Чортоқ» санаторийсида даволаниш ва саёҳат қилиш йўлланмасини таклиф қилганларида гоят хурсанд бўлдим. Чунки бир неча йилдан бери бел ва оёқ оғриғидан азобланардим. Бизга санаторийга бориш учун алоҳида автобус ажратишди. 20 кун мобайнида Наманган, Фарғона, Марғилон, Қўқон, Андижон, Ўш шаҳарларига сафар уюштирилди. Э. Омонов, Ҳ. Абдураҳимов, А. Туҳватуллина, О. Турғунова сингари шифокорларнинг меҳрибонликлари туфайли дардим енгиллашди.

Бюро шу кунларда республикамиз ва Иттифоқимизнинг турли жойларидан кўплаб телеграммалар олмоқда. Демак, янги саломатлик ва ҳордиқ чиқариш масканига қизиқиш ортаётир. Бу ўз навбатида бюро ходимлари олдига катта вазифаларни қўймоқда. Чунончи шаҳарнинг меҳмонхона сифатида ижарага олинган нефтчилар ётоқхонасида зарур шароит яратилмаган. Шунинг учун саёҳатчиларга алоҳида меҳмонхона барпо этиш, у ерда қулайликлар яратиш режалаштирилди. Ҳозир лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва маблағ ажратиш масалалари ҳал қилинаяпти.

Айни пайтда бюро Чортоқ, Уйчи, Янгиқўрғон районлари меҳнаткашлари мамлакатимизнинг курорт шаҳарларида саёҳат қилиб, даволанишлари ҳақида ҳам гамхўрлик кўрсатаётир. Яқинда 30 кишилик группа Трусковецкка жўнаб кетди.

А. ОТАЖОНОВ.

Спорт ахборотлари

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Европа кубоги учун марафонча югуриш мусобақаси ниҳоясига етди. Унда муваффақиятли қатнашган совет спортчилари команда ҳисобида ғалаба қозондилар. Қозонлик СССР чемпиони Равиль Кашапов шахсий биринчиликда зафар қучиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. У 42 километр 195 метрлик масофани икки соат 11 минуту 30 секундда босиб ўтди. Бу — Равиль кўрсатган энг юқори шахсий рекорд. Италиялик Плессио Фаустини иккинчи, французлик Ален Лазар учинчи натижани кўрсатдилар.

Хотин-қизлар ўртасида ГДРлик Катрин Дорре ғолиб чиқди. Мамлакатимиз вакиллари — минсклик Раиса Смехнова, олмаоталик Зоя Иванова, минсклик Екатерина Храменкова ва Елена Цухло иккинчи-бешинчи ўринларни олишди.

БОКС

ГФРнинг Карлсруэ шаҳрида йирик халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Омсклик Александр Островский (67 килограммгача вазнда) финалда майдон эгалари вакили Александр Кюнцлерни доғда қолдирди. Яна икки боксчимиз — ереванлик Исраэл Акопкохян (71 килограммгача вазнда) ва кустанайлик Александр Мирошниченко (91 килограммдан юқори) мусобақа ғолиби бўлишди. Акопкохян финалда Ниробни (ГФР), Мирошниченко Льюисни (Канада) енгди. Болгариялик Александр Христовга ютқазган боксчимиз Владислав Антонов кумуш медалли бўлди.

КЛАССИК КУРАШ

Ленинградда ўтказилган ўсмирлар мусобақасида 300 дан зиёд спортчи иштирок этди. Уз вазнлари бўйича ғолиб чиққан ленинградлик С. Фарим, А. Комаров, москвалик Н. Муреев, қозоғистонлик С. Антонов, нижневартовсклик С. Абдулагеев турнирнинг энг яхши курашчилари деб топилдилар.

ЧИМ ХОККЕЙИ

Олий лигада (хотин-қизлар) мамлакат биринчилиги бошланди. Андижоннинг «Андижанка» командаси Москванинг «Спартак» коллективини 3:0 ҳисобида маглубиятга учратди.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Связист» (Олмаота) — «Спартак» (Москва области) — 2:1, «Текстильщик» (Тирасполь) — «Таурас» (Шяуляй) — 2:1.

Бир мавзуда иккинчи марта

ҲАҚИҚАТНИ ТОПИШГА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Журналист Й. Исмоиловнинг жиззахлик ёзувчи А. Мамарасулов билан ҳамкорликда ёзган «Ишонч йўқолмаса эди...» сарлавҳали мақола «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг 1987 йил 10 июнь сонида босилган эди. Унда Зарбдор район ички ишлар бўлими давлат автомобиль инспекциясининг собиқ катта инспектори Ҳотам Ортиқовнинг милиция органларидан четлаштирилиши тарихи, «Бустонводстрой» трестига қарашли автокорхона директорлиги вазифасида ишлаганида ҳам чигал муносабатларнинг давом этганлиги баён қилинганди. Ёш коммунистнинг редакцияга йўллаган мактуби асосида тайёрланган мазкур чиқишда Жиззах область ички ишлар бошқармаси фаолиятида қайта қуриш сусткашлик билан бораётгани, жумладан коллектив фикр-мулоҳаза ва кафолатлари инобатга олинмаётгани, ошкоралик принципларидан чекиниш ҳоллари мавжудлиги фактлар билан кўрсатиб берилганди.

Мақола эълон қилингач, у текшириш учун Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига жўнатилди. Редакция, авторлар, қолаверса Ҳотам Ортиқовнинг ҳам ҳақиқат қарор топишига ишончи комил эди. Шунингдек, айрим газетхонлар ҳам бизга мактуб йўллаб, матбуот чиқишининг тақдири билан қизиқишди. Дарвоқе, ўтган ойлар ичида воқеалар ривожи қандай кечди? Мақола қаҳрамони ички ишлар органларига қайта тикландими? Мутасадди ўртоқлар шу хилдаги кўнгилсиз ҳолатлар қайта юз бермаслиги юзасидан қандай чора-тадбирлар кўришди?

Қўпчиликни қизиқтирган ана шу саволларга, афсуски, «ҳеч қандай» дея жавоб қайтаришга мажбурмиз. Номлари тилга олинган кишиларнинг тақдирида мақола босишга тайёрланган пайтдан буён заррача ҳам ўзгариш содир бўлгани йўқ. Боиси нима, дерсиз? Муаллифлар бу саволга ҳеч иккиланмай мақоланинг министрликдан бевосита текшириш учун область ички ишлар бошқармасига жўнатилганлигида дея жавоб беришади. Дарҳақиқат, айнан Жиззах область милицияси раҳбарларининг нохолис ва нопринципиал нуқтаи назарлари очиб ташланган мақоланинг текшириб чора кўриш учун уларга ҳавола этилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Холисанилло айтганда, редакция мақола юзасидан умуман жавоб хати олмади, дейиш нотўғри. Жиззах область ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан имзоланган шундай мактуб газетага жўнатилди. Бироқ бу расмий жавоб улар томонидан 1987 йилнинг февраль ойида тасдиқланган хулосанинг деярли айнан ўзи эди. Фақат редакция ходимларини хафа қилмаслик, муросага келтириш ниятидамикин, мақолада келтирилган фактларнинг қисман тасдиқланганлиги ҳамда хизмат текшируви ўтказишда юзакичиликка йўл қўйган собиқ ходимларнинг жазоланганликлари қўшимча қайд этилган, холос. Ажабланарлиси шундаки, ҳозир органда ишламаётган кишини жазолаб мақбул йўлни қойилмақом қилиб топган бошқарма раҳбарлари Ҳ. Ортиқовни қоралаган ҳужжатга бевосита имзо чеккан майор Н. Маҳамматов ва капитан А. Чинибековлар қаерда деб сўраб қолишларидан мутлақо чўчимайдилар.

Мана шундан буён ҳам ўн бир ойга яқин вақт ўтди. Бу орада А. Мамарасулов (муаллифлардан бири) ишдан бўшатилди. Ҳ. Ортиқов директорликдан олиниб, яна қайта тикланди. Сўнг эса... Бу ҳақда кейинроқ сўз юритамиз.

Мақолада Ҳ. Ортиқов аризасига биноан ўтказилган текшириш (1987 5 февраль) юзаки, бир ёқлама олиб борилганлиги танқид қилинганди. «Айблов» хулосасини чиқаришда унинг Сирдарё областидаги фаолияти асос қилиб олинганлиги кўрсатилиб шундай саволлар қўйилганди: 1983 йилда тайёрланган аттестацияда ўз вазифасига нолойиқ деб топилган Ҳ. Ортиқов нима учун ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлимига алоҳида муҳим ишлар бўйича инспектор қилиб тайинланди? У Жиззах областига ишга ўтган пайтида ўша аттестация қоғози шахсий делода бўлмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Кимларнинг айби билан бу ҳол содир бўлди? Вазифасига нолойиқ деб топилган ўртоқ қандай қилиб жиноят қидирув бўлимига ўтиб қолди? Кимлар ҳомийлик қилди ва нега? Унинг салбий томонлари аниқлана бошлангандан сўнг аттестация қоғозй қаердан топилди? Ким топди? Уни яшириб келган ўртоқларга қандай чора кўрилди? Бундан ташқари Ҳ. Ортиқов автобаза директорлигига ўтишидан етти кун олдин уни вазифасига нолойиқ деб топган аттестация қоғози нима мақсадда ва қандай ҳужжатларга асосан тайёрланди? Уларнинг ҳар иккисидан ҳам Ортиқовнинг бехафарлигини қандай тушуниш мумкин?

Редакцияга йўлланган жавобда тахмин қилинишича, область ички ишлар бошқармаси бошлиғининг собиқ ўринбосари, милиция полковниги С. Нормуҳамедов Ҳ. Ортиқовнинг Жиззахга ишга ўтишига қандайдир таъсир кўрсатган.

Ҳа, янгилишаётганимиз йўқ, бошқарма ходимлари тахмин қилишаяпти. Яна бир ажабланарли томони шундаки, область ички ишлар бошқармаси раҳбарлари фактларга принципиал, холисона баҳо бериш ўрнига иккинчи сафар ҳам хулоса чиқаришда олдинги хатоларни такрорлашмоқда, асосий эътиборни 1983 йилги аттестацияга қаратишмоқда.

«Биз РОВДда суҳбатлашган ўн беш милиция ходими Ҳ. Ортиқов бирон марта ҳам партия йиғилишларида муҳокама қилинмагани, ходимларга нисбатан талабчанлиги, уларнинг оилавий аҳволидан хабар олиб туриши, ҳақиқат учун курашиши, орган ходимлари ва район аҳолиси ўртасида ҳурмати борлиги, ўз вазифасини дурўст уддалаганлиги, ходимларнинг ишини ва дам олишини ташкил этиш масаласида кўп тортишганлиги. ни айтди. [Жавобда юқоридаги фикр айнан келтирилиб қуйидаги қўшимча қилинади]. «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси мухбирлари билан суҳбатлашган ўн беш милиция ходими биз Зарбдорда яшашимиз ва ишлашимиз керак дейишди. [Тушунтириш хати ёзишдан бош тортишди]. Агарда у ҳақда ёмон фикр ёзиб берсак, у бизга тинчлик бермайди дейишди».

Журналистларга ўз фикрларини очиқ ёзиб берган милиция ходимлари областдан келган раҳбарларига тушунтириш хати беришдан бош тортишди. Қизиқ, жуда қизиқ.

Шу ўринда эътиборингизга яна бир фактни ҳавола этмоқчимиз.

«Ҳ. Ортиқов область ички ишлар бошқармаси бўлинмаларида ишлаб юрган пайтларида ҳам раҳбарлар кўрсатмасини назар-писанд қилмаслик ҳолларн доимо такрорланиб турарди. Жумладан, 1985 йилнинг 1 апрелида Катта Ўзбек трактининг 268-километрида [Зарбдор райони территориясида] КамАЗ-5320 ва КамАЗ-5211 автомашиналари тўқнашуви содир бўлди. Катта терговчи, милиция майори Т. Рисбоев, йўл патруль хизмати катта инспектори, милиция катта лейтенанти Т Шамсиев, давлат автомобиль инспекцияси катта инспектори Ҳ. Ортиқов, область ички ишлар бошқармасидан милиция подполковниги П. Савельевлар воқеа содир бўлган жойга чиқишди. Ҳ. Ортиқов мутахассис сифатида оператив группага ёрдам бериш ўрнига улар билан тортиша бошлади. Шунда П. Савельев унинг ёнига бориб тинчлантиришга уринди. Бироқ Ҳ. Ортиқов комиссия аъзоларининг талаб ва илтимосларига қулоқ солмади, воқеа содир бўлган жойдан кетди».

Ҳ. Ортиқовнинг раҳбарлар кўрсатмасини назар-писанд қилмаслиги ана шу «зўр факт» билан мустаҳкамланди. Содир бўлган воқеани бошқа мақсадга бўйсиндириб таҳлил қилиш оқибатида масаланинг асл моҳияти четда қолиб кетди. Дарҳақиқат, автоаварияда ҳайдовчилардан бири ҳалок бўлади. Тирик қолган иккинчи ҳайдовчи Гергель жиноий жавобгарликка тортилади ва олти йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Узоқ давом этган ёзишмалар ва текширишлардан сўнг бу иш Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 175-моддасининг 2-банди билан ётқизилади. Аслида Ортиқов ўша пайтдаёқ машиналар тўқнашган жой нотўғри белгиланганлиги, бир кишини асоссиз айбдор қилиб қўйиш мумкинлигини айтган ва шу боис тортишув (текширувчилар тили билан айтганда раҳбарлар кўрсатмасини назар-писанд қилмаслик) келиб чиққанди. Шундан буён уч йилга яқин вақт ўтган бўлса-да, бу борадаги тортишув Ортиқов зарарига талқин этилмоқда. Гергелни жавобгарликка тортишда шошма-шошарликка йўл қўйган ўртоқларга эса ҳатто маъмурий чора ҳам кўрилгани йўқ.

«П. Икромов ва А. Исомовлар томонидан Ҳ. Ортиқовга тузилган аттестация қоғозида унинг иш фаолиятидаги камчиликлар тўғри кўрсатилган. Унда аттестациядан ўтувчига барча хислатлари бўйича принципиал баҳо берилган. Буни ушбу хулоса якуни ҳам тасдиқлайди».

Ваҳоланки, катта «меҳнатлар» эвазига тўпланган ўн бетли ҳужжатда ана шундай хулосага келишга етарли асос йўқ.

«Мақолада кўрсатилишича Ҳ. Ортиқов редакцияга йўллаган шикоятида ички ишлар системасида 1980 йилдан буён ишлаётганлиги ҳамда ўзини яхши томондан кўрсатганлиги, хизмат вазифасига сидқидилдан ёндошганига қарамай унинг органга қайтиш ҳақидаги аризаларн қаноатлантирилмаётганлигини ёзади. Бироқ текшириш жараёнида Сирдарё область ички ишлар бошқармаси кадрлар бўлимида собиқ шахсий состав инспектори, ички ишлар лейтенанти Н. Бутунбоев томонидан ўтказилган текшириш хулосаси топилди». [Ҳайратланмай иложимиз йўқ: милиция бошқармасида ётган ҳужжат беш йилдан кейин топилибди. Хайрият, йўқолганда нима бўларди—Й. И.]

Муҳтарам ўқувчида тўлароқ тасаввур ҳосил бўлиши учун бироз чекиниш қилиб, мақолада Ҳотам Ортиқовнинг ички ишлар органларидан тазйиқ туфайли кетишга мажбур бўлганлиги, сўнгра хатосини тушуниб қайта тиклашларини сўраб ариза ёзганлигини эслатиб ўтамиз. Шикоят юзасидан ўтказилган хизмат текширувида унга нисбатан айблов хулосаси чиқарилган ва ишга тиклаш мақсадга номувофиқ деб топилган эди. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, мазкур хулоса учун Ортиқовнинг Сирдарё областидаги хизмати асос қилиб олинганди. Редакцияга бевосита ана шу хулоса асосида жавоб қайтарилар экан, муаллифлар ўз тасарруфида бўлган қўшимча маълумот манбалари ёрдамида область ички ишлар бошқармаси раҳбарларига ёш коммунистнинг бегуноҳлигини баҳоли қудрат кўрсатиб беришдан бошқа иложи қолмайди. Хўш, Ҳотам Ортиқовнинг қўшни Сирдарё областида содир этган гуноҳлари нима? Нечун улар сирдарёлик ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига қараганда кейинги хизматдошларини кўпроқ қизиқтириб қолди? Наҳот Ҳотам Ортиқов ҳамиша тегишли давлат органларининг назоратида турадиган милиция хизматидаги камчиликларини шунчалик устомонлик билан яширган-у, унинг изларини роппа-роса беш йилдан сўнг Жиззахда топишди, холос?

Сирдарё область ички ишлар бошқармаси кадрлар бўлимида шахсий состав собиқ инспектори, ички ишлар лейтенанти Н. Бутунбоев томонидан ўтказилган текшириш хулосасида бу айб мухтасаргина баён қилиб берилган. Ундан Гулистон район ички ишлар бўлими давлат автомобиль инспекцияси катта инспектори Ҳ. Ортиқов 1983 йилнинг 1 февралида хизмат машинаси учун бешта баллон, тўртта қанот олганлиги, уларнинг ярмини милиционер Г. Назаровга пуллаб, давлатга 448 сўм 30 тийинлик моддий зарар келтирганлигини билиб олиш мумкин. Талқин қилишларича, Ҳ. Ортиқов масъуллиятдан қочиб Жиззах областига ишга ўтиб кетганмиш.

ГАИ собиқ инспектори адресига билдирилган айблов анчагина жиддий. Зарбдор районида ишлаб юрган йилларида хизматдоши Усмонқулов билан жанжаллашиб унга тан жароҳати етказганлиги ҳам хизмат текширувида алоҳида банд бўлиб уни қоралаб турибди.

Шу ўринда озгина чекиниш қилиб, Ҳ. Ортиқовнинг директорлик фаолиятига ҳам бироз тўхталсак. Маълумингизки, у бу ишга 1986 йилнинг 10 сентябрида ўтган эди. Орадан кўп ўтмай Ортиқов устидан область партия комитетига шикоят тушади. Уни текшириш область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими инструктори А. Сарсеновга топширилади. Афсуски, шикоят юзаки ўрганилиб, бир томонлама хулоса чиқарилди. Иш шу даражага бориб етадики, область партия комитетининг 1987 йил апрель ойида бўлиб ўтган пленумида қуйидаги сўзлар айтилди:

«Раҳбарларни ишга қўйишдаги бундай практика районда бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойида ишчанлик ва маънавий сифатлари ўрганилмасдан, бошланғич партия ташкилотида муҳокама этилмасдан туриб Ҳ. Ортиқов «Бустонводстрой» трестининг автоколоннасига директор этиб тасдиқланган эди. У илгари Зарбдор район ички ишлар бўлимида давлат автомобиль инспекциясининг катта инспектори бўлиб ишлаб юрган пайтида топшириқни кўнгилдагидек ижро этмайдиган виждонсиз одам эканлигини кўрсатган эди. У қўполликка, одамлар билан муомала қилишда ўзини катта тутишга йўл қўйди. Коллективда носоғлом вазиятни вужудга келтирди. Кейинги пайтда у янги ишлаётган жойдаги аҳвол юзасидан область партия комитетига хат келди. Хатдаги фактлар тасдиқлангач, у ҳақда район партия комитетига хабар қилинганди. Орадан уч ой ўтди. Бироқ район партия комитети уни қараб чиқиш ҳақида ўйлаб ҳам кўргани йўқ».

Ҳа, райкомнинг иш услубини танқид қилиш мақсадида Ҳ. Ортиқовга ана шундай «жиддий» айблар қўйилди. Баҳоланки, область партия комитетининг «Джизакстепстрой» бирлашмасига юборган хати шу йилнинг 17 февралида АТКда ўтказилган очиқ партия йиғилишида (унда ҳисобда турган 29 коммунистдан 25 киши, жами 186 ишчи ва инженер-техник ходим қатнашди) муҳокама қилинганди. Сўзга чиққан А. Панченко, Н. Сажнёв, С. Очилов ва бошқа кўплаб ҳайдовчилар янги директорни ҳимоя қилдилар. У директор бўлгандан буён меҳнат интизоми яхшиланганлиги, техниканинг ремонтда туриб қолиш вақти қисқартирилганлиги, бу иш икки сменада ташкил этилганлиги, шоферларга зарур шарт-шароит яратиб берилаётганлиги ҳақида гапирдилар.

Хуллас, очиқ партия йиғилишида асосан шоферлар ва ишчилар уни ҳимоя қилдилар. Бу — қайта қуришнинг илк куртаклари эди. Наҳотки область партия комитетидаги ўртоқлар ана шу йиғилиш натижасидан бехабар қолган бўлишса?

Сўнг воқеа шиддат билан ривожланади. Бу орада газетада мақола эълон қилинди. АТКга келаётган текширувчилар сони кундан кунга кўпая бошлади. Ҳ. Ортиқов ўша йилнинг 29 майида ишдан бўшатилди. «Главсредазирсовхозстрой»нинг аралашувидан сўнг ишга қайта тикланди. Бироқ комиссияларнинг охири кўринмасди. Ортиқов ишлаган бир йил давомида уларнинг сони 30 дан ошиб кетди. Ёш директорнинг соғлиғи, асаблари чидамади. Тўхтовсиз текшир-текширлар корхона ишига салбий таъсир этмай қолмасди. Ниҳоят Ортиқов ишдан бўшади. Бу курашлар уни чарчатган, ҳолдан тойдирган бўлса-да, иродасини бука олмади. У пахта йиғими даврида зангори кемани бошқариб, район хирмонига 87 тонна оқ олтин тўкди...

Албатта, область ички ишлар бошқармасининг юқоридаги жавоби редакцияни қаноатлантирмади. Шу боисдан Ўзбекистон ССР ички ишлар министри У. Раҳимов номига шу маънодаги расмий хат 1987 йилнинг 3 сентябрида юборилди. (Унга мақола ва Ортиқовнинг иккинчи шикояти илова қилинди). Ниҳоят ўша йилнинг 3 ноябрида Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари Э. Дидоренко имзоси билан жавоб олинди. Унда ҳайдовчи А. Гергелнинг жиноий жавобгарликка асоссиз тортилганлиги эътироф этилган. 1987 йил февраль ойида тайёрланган ҳужжатда текширувчилар Ҳ. Ортиқов ўз вазифасига нолойиқ деб топилган (1982 йил) хулосага асоссиз таянганликлари кўрсатилган. Шунингдек Сирдарё область ички ишлар бошқармасида 1983 йилнинг 26 апрелида муддатидан олдин қилинган аттестацияга асосланиб фикр юритилганлиги ҳамда хулоса чиқарилганлиги нотўғри топилган. Текшириш пайтида Ортиқов иш фаолиятига берилган баҳо холис эмаслиги кўрсатилган. Мақола ва ариза юзасидан хизмат текшириши тўлиқ ўтказилмаганлиги туфайли Ортиқов ҳақида нохолис хулоса чиқаришга йўл қўйганлиги учун Жиззах область ички ишлар бошқармаси сиёсий бўлими инструктори А. Чинибеков, катта инспектор А. Эргашев ва кадрлар бўлими бошлиғи ёрдамчиси М. Азимовлар масаласи хизмат жойида кўрилиши таъкидланган.

Ортиқовга қўйилган айблар: у Сирдарё областида ишлаб юрган пайтида давлатга 448 сўм 30 тийин зарар келтирган (ўша баллон ва машина қаноти), М. Усмонқуловга енгил тан жароҳати етказганликда айбланади. Шунингдек Ортиқовнинг қизиқконлиги, ходимлари, ҳамкасблари ва раҳбарларга нисбатан қўполлиги кўрсатилади. Ана шу асосда Ҳ. Ортиқовни ички ишлар органига қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилади.

Ортиқов билан Усмонқулов ўртасидаги жанжал ҳамда 448 сўм 30 тийинлик зарар бўйича аниқланган ишлар республика прокуратурасига оширилади.

Энди прокуратура хулосасини кутишга мажбур эдик. Чунки уни олмасдан туриб Ортиқовнинг органдаги иш фаолиятига (чунки унга нисбатан жиддий айб қўйилмоқда) баҳо бериш номақбул бўлур эди. Ниҳоят шу йил февраль ойида Сирдарё ва Жиззах область прокуратуралари ҳар иккала иш бўйича Ҳ. Ортиқовни айбсиз деб топдилар. Демак, жами йигирма варақни ташкил этадиган учта хулосада уни бевосита қоралашга хизмат қиладиган фактларга ўрин қолмади. Шу ўринда ҳозиргача эътиборга олинмай келинган яна бир ҳужжатни келтирсак мақсадга мувофиқ бўлур эди. 1987 йилнинг сентябрь ойида Ортиқовнинг аризасини ўрганиш Жиззах область ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги К. Аминов, шу бошқарманинг сиёсий бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция майори П. Ладутьколарга топширилади. Улар томонидан октябрь ойида тайёрланган хулосага кўра Ортиқов аризасидаги фактлар тасдиқланган. У Зарбдор район ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль инспекцияси катта инспекторлиги вазифасига лойиқ бўлган. Район ички ишлар бўлими томонидан Ортиқовга берилган характеристика холис. Бу ҳужжатда область ички ишлар бошқармаси ходимлари Б. Бобожонов, А. Носиров, Н. Маҳамматов, А. Чинибеков, А. Эргашев, М. Азимов, Н. Муродов ўртоқлар текширишга бир ёқлама ёндашганликлари, масаланинг моҳиятига кириб бормаганликлари, пировард натижада область партия комитетига нотўғри маълумот берилишига йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳ. Ортиқов иши юзасидан Жиззах областида бўлган Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлигининг масъул ходими, милиция майори А. Қосимовнинг бу ҳужжатга умуман эътибор бермаганлиги бизни ажаблантиради. Қолаверса, редакцияга Ортиқовни ички ишлар органига қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб хабар қилинса, аризачининг ўзига сизнинг ишингиз республика прокуратурасидан жавоб олингандан сўнг ҳал бўлади қабилида жавоб берилади.

Министрликнинг масъул ходими қандай мақсадда ана шундай йўл тутди? Умуман нима учун область ички ишлар бошқармаси томонидан ўтказилган ҳар иккала текшириш бир томонлама ва юзаки олиб борилди? Ҳар иккала ҳолда ҳам Ортиқовни айблашга уринишнинг боиси нимада?

Область ички ишлар бошқармасида, район ички ишлар бўлимида Ҳ. Ортиқовнинг яхши ходим эканлигини, вазифасида ҳалол ишлаганлигини эътироф этувчи ҳамкасблари кўп. Бироқ яқин-яқингача (биз Жиззах областига борганимизда ҳам) Ортиқов ҳақида расмий сўз юритиладиган бўлса барча яхши фикрлар бир ёқда қолиб қоғозларга ишонишади.

Инсон тақдири, келажаги ҳал қилинаётган пайтда хатога йўл қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чуқур ўйланмасдан, ўрганилмасдан ёзилган биргина жумла инсон ҳаётини бутунлай ўзгартириб юбориши, унинг ишончига, эътиқодига путур етказиши мумкин. Ҳолбуки, Ортиқов аризасини текширишда қанчадан-қанча бир ёқламаликларга йўл қўйилди. Автоавария унинг зарарига талқин этилди, Усмонқулов билан бўлган жанжалда Ортиқов айбдор саналди. Ўзи билмаган ҳолда икки марта аттестацияда вазифасига нолойиқ деб топилди. Беш йилдан сўнг Сирдарё областидаги «жиноятн» очилди. Автобазага ишга ўтганидан сўнг текширувлардан боши чиқмади. Ишдан бўшатилди, тикланди, аризаси билан кетди... Бир ярим йил давом этаётган ана шунча тасодифлар Ортиқовга кўплик қилмасмикин?

У редакцияга ёзган хатида «Мен партиямизнинг бугунги сиёсатини тўла қўллаб-қувватлайман. Ҳақиқат эгилишига, лекин синмаслигига ишонаман. Амал учун талашаётганим йўқ. Эл-юрт олдида, фарзандларим олдида мағрур бош кўтариб юришни истайман. Нотўғри яшаб обрў топгандан кўра ҳақиқатни айтиб азият чекишни афзал кўраман, иккилана бошлайман...»

Яқинда Ортиқов билан яна учрашдик. Ранги анча сўлғин, асаблари толиққанлиги, чарчаганлиги сезилиб турарди. У ҳақиқат излаб Москвага бориш ниятида эканлигини билдирди. Тўғриси, унинг қатъиятлиги маъқул бўлди. Биз унга шошмасликни маслаҳат бердик. Ҳақиқатнинг шу ерда қарор топишини айтдик. Бироқ куч-қувватга тўла, билими 34 яшар йигитнинг, коммунистнинг сўзлари бизни ўйлантириб қўйди. Нега шундай бўлаяпти?

Бизни йиллар давомида айбсиз айбдор бўлиб келганлар тақдири ўйга толдиради. Муҳими, уларнинг аксарияти қобилиятли, ўз ишини яхши биладиган кишилар. Лекин кимларгадир ёқмай қолиши оқибатида... Бунинг яна бир даҳшатли томони шундаки, «ёмон ходимларнинг» ишдан ҳайдалишида бевосита иштирок этган, бошқачароқ айтганда раҳбарларнинг кўнглини олганлар кўп ҳолларда томошабин сифатида четда қолиб кетмоқдалар. Назаримизда бу эскича фикрлайдиган, ўйлайдиган, турғунлик давридагидек ўзларини танқиддан холи, айтганим айтган деб биладиган, янгиланиш, покланишни қисе этмаётган баъзи раҳбарлар ўз фаолиятларини давом эттираётганликлари оқибатидир. Акс ҳолда бугунги қайта қуриш даврида Ҳ. Ортиқов иши бўйича оқнинг оқлигини, қоранинг қоралигини исботлашга икки йилга яқин вақт кетганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Қолаверса, бу иш ҳали ҳам ниҳоясига етгани йўқ. Шу боисдан сўнгги сўзни республика прокуратураси, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги раҳбарлари айтадилар, деган умиддамиз. Улар бўлиб ўтган воқеаларга холис баҳо бериб, мунозараларга тамомила чек қўядилар, бинобарин, эътирозларга ўрин қолдирмайдилар, деб ўйлаймиз.

А. БОБОБЕКОВ,
И. ИСМОИЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 13899. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 1990. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12